



# Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid\_uz

## ЖАДИДЛАР ОБРАЗИ РАССОМЛАР НИГОҲИДА



(3-саҳифада ўқинг.)

### СИЁСАТ

## ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ИФОДАСИ



Яқунига етаётган ҳафтанинг қайноқ воқеаларидан бири, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТнинг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференциясида иштирок этиши ва у кишига Туркменистоннинг “Ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” ордени топширилиши бўлди.

Бир давлат раҳбарининг бошқа давлат раҳбарини тақдирлаши замирида ўзаро ҳурмат ва дўстликни ифода этиш, ҳамкасбига ҳурматини изҳор қилишдан кўра улғувор маънолар мужассам. Давлат бошқаруви шакллари қараб президентлар, парламент ва ҳукумат раҳбарлари, қироллар, императорлар, амирлар ва дин раҳнаmolари мамлакат ичкарисида ва халқаро майдонда ўз халқи номидан иш кўради. Демакки, давлат раҳбарига кўрсатилган

иззат-икром бевосита ўша мамлакат ва халққа тегишлидир. Бу эса икки томонлама муносабатларнинг ривожланиши, турли тармоқларда ҳамкорлик қилиш, турли сиёсий, иқтисодий, ижтимоий масалаларга биргаликда ечим топиш имконини оширади. Мазкур аъёна кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ. Олий раҳбарларнинг бири-бирини тақдирлаши давлатчиликнинг илк куртаклари юз очган замонлардан мерос

бўлиб келмоқда. Авваллари бу тақдирлаш ер-сув, экин-тикин ва бошқа кўринишларда бўлган. Кейинчалик элчилар ҳукмдорлар саройига олтин-кўмуш, олмосу ёқут, нодир китоблар келтириб, дўстлик тантанасини олқишлаган. Бора-бора давлат раҳбарлари бир-бирига турли ювон ва мақомлар битилган ёрликлар юбора бошлаган.

(Давоми 3-саҳифада.)

### ВАТАН МАНЗУМАСИ

Султонмурод ОЛИМ

## ЕР ЎРТАСИ

Эй Ўртаер денгизи, салом,  
Бардамгина бормисан, омон?  
Яна келдим сени соғиниб,  
Танидингми кўргангиз замон?

Билмасликка олма ўзингни,  
Тилинг бўлса, гапирсайдинг, кош.  
Соҳилингга етганда қадам,  
Оёғимга мавжлар кўйди бош.

Эсингдами, илк бор Қибрисда  
Чилласида кўришдик қишнинг.  
Мен бағрингга отдим ўзимни,  
Тақ-тақига чидаблар тишининг.

Яна тўрт бор иссиқ кунларда,  
Балиқ каби бағрингда сузим.  
Бу гал Ҳақдан сўраб, ёлвориб,  
Ҳар ёз келмак режасин тузим.

Баҳри муҳит, юсам кўзимни,  
Америка бўлар намоён.

Сен орқали боғланар олам –  
Африкаю Ҳиндистон, Япон...

Аталади номинг “Ўртаер”,  
Сирни айтар пайти шу ондир:  
Билиб кўйсанг, ёмон бўлмасди,  
Ер ўртаси – Ўзбекистондир.

Мен – денгизсиз элнинг боласин  
Сен ўзингга билма бегона.  
Карачига тортиб темир йўл,  
Биз етамиз сувга мардона.

Танимаслик қилма ўшанда,  
Кема билан бағрингга елсам.  
Тўлиб-тошиб, юрт неъматларин  
Савдо учун ё олиб келсам.

Ўшанда сен бир мени эмас,  
Элу юртим таниб оласан.  
Насимини туйиб келтирган,  
Ватанимни севиб қоласан.

Аланя, Туркия.

### ШУ СОНДА:

## ҲАҚ СЎЗГА САДОҚАТ

“...Сўз афсунгарининг кўпчилик шеър-га сололмайдиган мавзуларда ҳам сўзни малолсиз, яйратиб қўллаши, аввало, воқеани бутун мукамаллиги билан идрок этишида, воқеа драматини кўра олишида, уни ривожлантириб қайта яратиш-ни билишидадир. Шу боис Усмон Азим шеърятда бир жанрдан иккинчисига осонлик билан ўтади, шеърдан насрга ёки драматик асарга ҳам худди шундай қийналмай ўтиб иход қилади...”

(4-саҳифада ўқинг.)

## КЎНГИЛ – ҲАЗИНА, КЎНГИЛ – БАЛО

“...Лев Толстойнинг “Асар гоҳида бир сатр учун ёзилади” деган сўзлари бадииятнинг жавҳарини англашга ёрдам беради. Мана шу жавҳар гоҳи билан бири-киби кетади. Ижодкорнинг асл мақсади шу сатрларга жойланган бўлади.

Зеҳн солиб қаралса, айрим асарларда ана шу калит сўзни топиш мумкин экан. Биз бу сўзга шартли равишда “шоҳсатр” деб ном бердик. Эркин Аъзам асарлари-га шу нуқтаи назар билан ёндашиб, ўша шоҳсатрни топиш умидида ёзувчи асарларидаги баъзи ўринларга диққат қаратдик...”

(4-саҳифада ўқинг.)

### ИЛМ ЙЎЛИ

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИ: ТАНЛОВ ИМКОНИАТИ КЕНГАЙМОҚДА

Дунёнинг энг нуфузли олийгоҳлари асосан нодавлат шаклда фаолият юритгани ҳолда, юртимизда хусусий университетлар ҳақидаги тасаввур кейинги ўн йилликда шаклланди. Албатта, бунинг турли сабаблари, омиллари бор. Аммо 2017 йилдан соҳага давлат-хусусий шериклик тамойили кириб келгач, таълимда сифат ва самарадорлик, рақобат кескин ошганини ҳам тан олиш керак.

Маълумотларга кўра, 2016 йилда республикамиз бўйлаб 75 та олий таълим муассасаси фаолият юритган. Бунда абитуриент-

ларнинг ўқишга кириш эҳтимоли қарийб 20/1 нисбатда бўлиб, ушбу омил иқтидорли ёшларнинг олий таълим олиш имконини чеклагани ҳақиқат. Қолаверса, давлат тасарруфидаги муассасалар ўртасида рақобат йўқлиги дунёнинг “ТОП-рейтинг”ларига кириш даражасига ҳам соя ташлар эди. Соҳа тубдан ислоҳ қилина бошлагач, қисқа фурсатда ўз самарасини бера бошлади. Хусусан, 2021 йилга келиб юртимизда олий таълим муассасалари сони 131 тага, қамров имконияти эса 25 фоизга етди.

(Давоми 2-саҳифада.)



### ТИББИЁТ



## УМИД ҲУЖАЙРАСИ

Қулоғига чиганоқ қўйиб, денгиз товушини тингладим, дейди баъзилар. Аммо аслида у денгиз товушини эмас, вужуди бўйлаб ҳаракатланаётган ўз қонининг овозини эшитаётган бўлади.

Қон танадаги кўплаб функцияларни бажарадиган суюқ тўқима бўлиб, майда-йирик томирлар орқали барча аъзолар қатори қулоқларгача ҳам етиб боради. У қон айланиш системаси бўйлаб кислород ташийди ва тўқималарда яшовчанликни таъминлайди. Биз қон овозини чиганоқсиз ҳам эшита билганимизда эди, унинг ҳаётимиз учун нақадар муҳим эканини ҳар лаҳзада ҳис этган бўлар эдик.

Қон бир дақиқадан кам вақт оралайди инсоннинг бутун танасини айланиб чиқади. Унинг шу даражада юз-риқ ҳаракати учун ҳазилакам энергия керак, дейсизми?... Таниш-нотаниш одамларнинг “қони кам-да, ҳоли йўқ” деган гапларини тез-тез эшитиб қоламиз. Аслида қон томирдан табиий

тарзда тўкилиб кетмайдигани, унинг миқдори камайса. Ҳамма гап ундаги лейкоцит, эритроцит, тромбоцитларэм каби шакли элементларнинг кўрсаткичи билан боғлиқ.

Таниш-нотаниш одамлардан “қони кам-да – ранглар” деган гапни эшитиб қоламиз. Аслида, қон томирдан табиий бўғлиниб кетмайдигани, унинг миқдори камайса. Қизиги шундаки, гап қоннинг ҳажмида ҳам эмас, ундаги лейкоцит, эритроцит, тромбоцит каби шакли элементлар кўрсаткичи билан боғлиқ.

Бемор нимадан шикоят қилишидан қатъи назар, биринчи галда қон топшириши ва унинг таҳлили кераклиги айтилади. Бу бежиз эмас. Ҳар қандай касалликка тўғри ташхис қўйиш учун қон таркиби гематологик текширувдан ўтказилиши шарт. Шундан келиб чиқиб, кейинги йилларда тиббиётимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби гематологияга ҳам катта эътибор қаратилди.

(Давоми 2-саҳифада.)

### ОЙДИНЛАР

## “КЕТДИНГМУ СЕН МЕНИ ТАШЛАБ...”

Чўлпоннинг илк ижодий машқлари “Садойи Фарғона” ва “Садои Туркистон” газеталарида босилган. Шу тариқа у эл оғзига тушди, шоир сифатида танилди. Туркистон Мухториянинг эълон қилинганидан руҳланиб истиқлол куйчисига айланди. Совет ҳукумати томонидан Кўкон, умуман, Фарғона водийси қонга ботирилганида чексиз қайғуга ботди.

Чўлпон 1919 йилдан Тошкентда кўним топди. Бу ерда Файзулла Хўжаев, Фитрат билан танишди. Аслида, шоир Фитрат шахсига “Ойина” журналидаги чиқишлари орқали ғойибона эҳтиром туйиб келарди. Шу тариқа Чўлпон “Чигатой гурунги”да олимнинг ўнг қўлига айланди. Ташкилот Акмал Икромов (Элхон), Қанон Рамазон (Ўқтам), Мирмашрик Мирюнус (Элбек), Маннон Мажидий (Уйғур), Хуршид, Боту, Санжар Сиддиқ, Шокир Сулаймон, Ғулום Зафарий, Ғози Юнус каби кўплаб иқтидорли ёшларнинг бошини қовуштирди. Улар адабий йиғинларида Ватан озодлиги ва истиқбол ҳақида сўхбатлар қураб, энг муҳими, аъзоларнинг ҳар бири Фитрат тавсияси билан илм-фан, адабиёт ва санъатнинг маълум бир йўналишини тадқиқ этишга йўналтирилганди. Шоир Тошкентда “Иштирокиюн”,



“РосТа” деворий газеталари, “Янги Шарқ” журнали тахририятида фаолият олиб борди. Аллақачон Туркистоннинг биринчи рақамли шоирга айланган Чўлпоннинг ижод намуналарини ўша йиллардаги ўзбек миллий матбуотининг деярли барча сонларидан топиш мумкин. 1920 йил Боқуда ўтказилган Шарқ халқлари конференциясига Туркистон ҳукумати раҳбари Турор Рисқулов бошчилигида гуруҳлар ташриф буюради. Улар совет маъмурига “Туркистондан қизил армияни олиб чиқиб кетинглар” деган қатъий талаб билан чиқади.

(Давоми 7-саҳифада.)



Бошланиши 1-саҳифада.

Ташхислашнинг ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларига монанд усуллари, замонавий технологик диагностика, даволашнинг янгича методологиялари жорий этилиб, касалликни эрта аниқлаш, тез ва самарали даволашга эришилмоқда.

Соҳанинг бундан илгирма йил олдинги ҳолати билан ҳозирги салоҳиятини таққослаб бўлмайди. Айниқса, тана аъзолари трансплантациясининг жорий этилиши дунё тиббиётида мутлақо янги тараққиёт даврини бошлаб берди. Хусусан, гематология йўналишида ҳам ўта оғир хасталикларни трансплантация йўли билан даволаш кенг йўлга қўйилди. Мамлакатимизда тана аъзоларини кўчириб ўтказиш марказлари ташкил этилиб, сўнги рўсумдаги техник жиҳозлар билан бойитилди.

– Сурункали ва ўткир лейкоз, миелом касалликлари билан оғирган беморлар сони бугун дунёда ошган, жумладан, республикамизда ҳам, – дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош мутахассис-гематолог, Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази трансплантация бўлими мудири Гулчехра Муҳаммадалиева. – Виолетлар кесимида бу касаллик Самарқанд, Навоий, Сурхондарё ва Оролбўйи худудларида бир мунча кўпайган. Бунга кўпроқ экологик муҳитнинг ёмонлашуви сабаб бўлмоқда.

Тиббиёт давр билан ҳамқадам, керак бўлса, бир қадам олдинда юриши керак. Бугунги эҳтиёжни инобатга олиб, марказимиз қошида қондан ўзак ҳужайра ўтказишнинг икки турини ўзлаштирдик: бири аутотрансплантация – ўзак ҳужайрани беморнинг ўз суяк тўқималаридан ўзига, иккинчиси аллогентрансплантация – бегонадан (қонунчилигимизга кўра, фақат қариндош-уруғлардан олинади) кўчириб ўтказишни йўлга қўйдик.

2014 йилда сурункали лейкозларни даволашда илк бор аутотрансплантация амалиётини қўллаган эдик. Бу жараён ниҳоятда жиддий тиббий трансплантациядони тейёрларликлар билан амалга ошириладиган мураккаб амалиёт саналади. Биринчидан, қон трансплантологиясида бемор жуда катта миқдорда киметерапия муолажасини олади. Организм чарчайди, оқибатда танадаги вируслар фаоллашиб, ёндош касалликлар ҳам кучаяди. Биргина беморни трансплантацияга тайёрлашдан тортиб оёққа турғунгача қарийб 50 нафар тиббиёт ходими у ёки бу даражада масъул бўлади. Таъкидлаш жоиз, беморларимизнинг соғайишига кетадиган барча маблағ давлат томонидан толиқ берилади. Фақат ўзи рўйхатдан ўтган поликлиникадан трансплантация ўтказиш учун ордер олиб келса kiffoя.

Гулчехра Муҳаммадалиева суҳбатлаша туриб, бизни ёш трансплантологлар консилиуми хонасига тақлиф шарт. Бир гуруҳ навқирон шифокорлар яқин кунда ўткир лемфобластик лейкоз ташхиси билан аллогентрансплантация ўтказилиб, кеча тунда тўсатдан иссиғи кўтарилган наманганлик бемор ҳолатини муҳокама қилишгаётган экан. Уларнинг қизгин бахсларини тинглаб, юзимизда ташвиш ifодося пайдо бўлди чоғи, бизни бемор ётган хонага олиб боришди. Очиги, уни жуда оғир алфозда бўлса керак, деган хаёлда эдик, кулиб турганини кўргач, ҳадиғимиз тарқадди.

# УМИД ҲУЖАЙРАСИ

– Икки ойча бўлди, синглимдан суяк кўмиги кўчириб ўтказишди, – дейди Муқаддас Абдуллаева. – Ҳозир анча яхшиман. Кўнглим бироз айниди, чунки дориларнинг баъзилари қайт қилдиради. Бошқа шикоятим йўқ. Турмуш ўртоғим, уч ўғлим қарови ҳам менга далда бў-

марказда қон касаллигига тахмин қилинган беморлар суяк кўмигини биопсия қилиш орқали, яъни илиқдан ҳужайра олиш йўли билан текширилади. Ҳозирда бу диагностиканинг ҳам энгилроқ усуллари татбиқ қилиняпти. Лекин лейкоз ва бошқа оғир категорияли касал-



ляпти. Чет элга бориб даволанишга мажолим ҳам, етарли пулимиз ҳам йўқ эди. Хайрият, ўзимизда иложи бор экан. Шифокорлардан, давлатимиздан жуда миннатдорман.

Мутахассислар беморнинг иссиғи донор қон қаршилиғи туфайли ёндош касаллик хуружи билан юзага чиққан, деган тўхтамга келди. Уларнинг айтишича, трансплантациянинг мана шунақа асоратлари ҳам бор. Ҳужайранинг кўчириб ўтказилган эгасига нисбатан донор реакцияси бўлади. Илҳ ҳужайра суяк кўринишида бўлгани билан, у ҳам тана аъзоси ҳисобланади. Ҳужайра кўчирилганда илҳка жойлашиши мумкин, лекин янги муҳитни қабул қилмай “бегонасираш”ни бошлаб эҳтимоли йўқ эмас. Агар у жойлашган ўрнидан “ётсираса”, галаён кўтарди ва беморнинг соғайишига қаршилиқ кўрсатади. Одатда, бундай ҳол юзага келмаслиги учун махсус дорилар берилади. Уларни ичиш тартибига қаттиқ риоя қилиш керак. Қолаверса, трансплантациядан сўнг бемор айрилган вақтда тиббий кўриқдан ўтиб туриши шарт. Акс ҳолда, касаллик қайталаанади.

Ҳозирги кунда республикамизнинг кўплаб туманларидаги шифохоналар гемоанализаторлар билан таъминланган. Бу замонавий тиббий ускуналар 24 турдаги қон таҳлилини қила олади. Лекин четда жойлашган баъзи қишлоқ шифохоналарида фақат гемоглабин, эритроцит, лейкоцит миқдорига текширилади. Бу билан қон касалликларини аниқлаб бўлмайди. Бундай таҳлил фақат камқонлик даражасинигина кўрсатади, холос. Бизнинг

ликларга гумон қилинганда, албатта, илиқдаги қон текширилиши лозим.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, сурункали лейкозни имкон қадар эртарақ аниқлаш керак. Айни даврда бу касалликни ҳатто ўн йил олдиндан аниқлаш иложи бор.

Ўткир лейкоз эса ўз номи билан ўткир, яъни касаллик тўсатдан юзага чиқади. Беморнинг ҳолати оғирлиги даражасига қараб, жуда кучли муолажа бошлашга тўғри келади. Чунки дард заифлаштирган тана ички қаршилиқлар туфайли касаллик билан мустақил кураша олмайди. Афсуски, биз асосан ана шу сабабли беморни йўқотамиз. Агар бу касаллик ривожланишидан аввалроқ, яъни қон шу касалликка тайёрларлик кўраётган вақтдаёқ чора кўриш бошланса, унинг қайталанishi мумкин.

Нега энди кечиктириш, бутунлай соғайтириш эмас? Чунки бундай беморлар қонини касал ҳужайрадан юз фоиз тозалаб бўлмайди. Айниқса, аллогентрансплантация мураккаб амалиёт сифатида дунё бўйича ҳам муваффақият кафолати “элҳика элҳик” дейилади.

– Ўзи қон онкологик касалликлариди тиббиёт ривожланган давлатларда ҳам ўлим эҳтимоли 20 фоиз деб белгиланган, – дейди ёш шифокор Камолиддин Олимжонов. – Биз миллий тиббиёти ривожланаётган давлатимиз. Шу жиҳатдан трансплантация жараёнида йўқотишларимиз ҳали сал кўпроқ. Бироқ буни тўғри қабул қилиш керак. Одамлар кўнда бизнинг ишимизни ривожланган давлатлар клиникалари иши билан солиштирадди. Ора-

даги тажриба ва маблағ тафовутини ҳисобга олишмайди. Аламлиси, ўша “инстадокторлар” бизнинг муваффақиятсиз, уларнинг эса муваффақиятли амалиётларини овоза қилади. Ваҳоланки, биздаги шифокорлар малакаси ҳам чет элдаги нуфузли клиникалар шифокорлариникидан ортиқ бўлса ортиқки, кам эмас. Бунданам аламлиси, бизда бемалол амалга ошириш мумкин бўлган тиббий амалиётни бошқа давлатлардаги ўзлари келишув тузган клиникаларда ўтказиш учун бемор “овлайдиган”ларнинг урчиб кетгани. “Овлайдиган” дейишимиз боиси, улар беморни ўзига оғдириш учун шифокорларимизни атайлаб укувсизга чиқаришади, тиббиётимизни қоқоқ қилиб кўрсатади.

Халқимизда вақт олий мезон, деган ўлмас ҳикмат бор. Ўзбек мутахассисларининг қўли энгиллиги, инсофи ва маданияти сабаб бугун ушбу марказда қўшни давлатлардан ҳам шифо излаб келаётганлар топилади. Мана, яқиндагина тожикистонлик дардман аутотрансплантация қилинди. Ушбу амалиётни ўтказиш Туркияда 40 минг, Ҳиндистонда 30 минг, Россияда 25 минг доллар туради. Бизда-чи, халқимизга мутлақо бепул, бошқа мамлакат фуқароларига 12 минг АҚШ долларига тушади. Бизнинг мутахассислар салоҳиятига ишониб ўзга давлатдан келишса-ю, ўзимизникилар бошқа мамлакатларга бориб, трансплантация қилдиришса. Аслида, халқимиз гамини еб, уларнинг мушуқли осон бўлиши учун йўлга қўйилди-ку, бундай имкониятлар.

Ушбу марказ республикамиздаги гематологик ва онкогематологик касалликларни диагностика қилиш ва даволашга ихтисослашган ягона тиббий муассаса бўлиб, 180-200 ўринга мўлжалланган. Трансплантация бўлимининг ўзи эса 12 ўринли. Бу ерда йилига йигирмадан зиёд беморга ўзак ҳужайра кўчириб ўтказилапти. Ёш ва интилувчан кадрлар Ўзбекистонда бу соҳани янада такомиллаштириш мақсадида Россия, Туркия, АҚШ, Ҳиндистон каби давлатларда малака ошириб келмоқда.

2023 йилда фойдаланишга топширилган ушбу ихтисослаштирилган гематология маркази илмий, диагностик, клиник фаолият олиб борадиган етакчи мажмуадир. Мамлакатимиздаги тиббиёт институтларининг учта кафедраси марказ негизига ишламоқда. Режада эса республика аҳолисининг саломатлигини яхшилаш йўлида яна бир муҳим қадамни ташлашга тайёрларлик бор: Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразмда қариндошнинг трансплантация бўлими ўз филиалларини очишни кўзлаган.

– Мен Тошкент педиатрия тиббиёт институтини тамомладим, – дейди ёш шифокор Сардор Муҳаммадиев. – Санкт-Петербургдаги Раиса Горбачёва номли Болалар гематологияси ва трансплантология марказида икки йил таҳсил олдим. Тиббиёт соҳасига онам, трансплантологияга эса Камолиддин Олимжонов туфайли кириб келдим. Камолиддин ака билан бир институтда ўқиганмиз. У киши

гематологик трансплантология янги йўналиш экани ва бу йўналиш умид сўнган минглаб юртдошларимизга умид бағишлашини, уларни ҳаётга қайтаришини айтиб, бирга ишлаш таклифини берди. Мана бугунгача 126 та аутотрансплантация, 43 та аллогентрансплантацияни устозлар кўмағида амалга оширдик. Бу дарддан бутунлай фориг қилиш қийиндир, аммо трансплантациядан кейин бемор ҳеч бўлмаганда яна беш-ун йил бу касалликни унутди, киметерапия олмайди, ётиб қолиб бировга муҳтож бўлмайди.

Албатта, беморга ўзак ҳужайрани кўчириш амалиётининг энг муҳим жиҳати – танага мос донор қонни топиш. Бизнинг қонунчилигимизда беморга фойдаланган бегона инсондан трансплантация қилиш мумкин эмас. Аммо бу катта муаммо туғдирмайди. Чунки бизда кўп болалилик ва қариндош-уруғ тенденциялари яхши ривожланган. Шу сабабли гематологик касалликлар билан хасталанган беморлар қон билан боғлиқ муаммони ўз донорлари билан ҳал қилади. Қолаверса, замонавий ускуналар ёрдамида қон захирасини кенгайтириш бўйича ҳам изланишлар тизимли амалга оширилмоқда.

Марказга Америкадан аферез (сепаратор аппарат)лар олиб келинган. Япон олимлари томонидан ихтиро қилинган бу ақлли аппарат икки соатдан олти соатгача вақт оралиғида қондан 200-400 миллилитр атрофида ўзак ҳужайрани ажратиб олади. Унинг қўлайлиги шундаки, илгарилари донордан ўзак ҳужайра одамнинг ваҳми келадиган йўғон нинали катта шприцни суякка суқиб, кучли оғриқлар билан тортиб олинарди. Сепараторлар вена қон томирига юборилган катетер орқали керакли ўзак ҳужайрани ўзи йиғиб беради. Аппарат ёрдамида фақат ўзак ҳужайра йиғилади, қон эса айланма ҳаракат тарзида эгасига қайтарилади. Илгари қон топширган донорлар боши айланиб, ўзида лоҳаслик сезган. Чунки қон миқдори камайган. Ҳозир эса қон топширувчи учун бундай хавф йўқ.

Қон олиш ускунасининг яна бир яхши томони, донорнинг қон таҳлили хулосалари тақдим этилмасга ишламайди, яъни қоннинг аниқ таҳлилига қарабгина донордан ҳужайра олади. Бунда қон берувчининг аҳоли, қондаги элементлар резерви, гемоглабин миқдори тўлиқ электрон назоратда бўлади. Шунингдек, донор қон томирига иккита катетер баравар уланиб, бирдан эритроцит, плазма ёки тромбоцит ажратиб олинади, иккинчиси орқали эса қолган қон компонентлари эгасига қайтариб юборилади.

Хуллас, қон топширувчининг ҳам хавотирли ариган. Тиббиёт ҳамишагидек ўзгартирилган палласида. Инсон қадрли, умр узайишига эришиш замонавий тиббиётнинг бош шioriрига, давлатимизнинг изчил ислохотлари тамойилига айланади.

Муҳайё РУСТАМОВА



Ушбу QR-кодни сканерланг ва илҳимий тармоқларда томоша қилин!

Бошланиши 1-саҳифада.

Бунда 2019 йил 8 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги статистик маълумотлар платформасига кўра, айни кунларда ўзбек олий таълим муассасалари 201 тага етган. Шундан 49,75 фоизи давлат, 32,32 фоизи нодавлат муассасалар ҳиссасига тўғри келади. Ўзбекистонда, 953 минг нафардан ортиқ талаба давлат олий таълим муассасаларида ўқиётган бўлса, нодавлат ОТМлар 514 минг нафар йигит-қизларни ўз бағрига олган. Ушбу рақамлар ҳам хусусий таълимнинг давлат муассасаларига тобора рақобатлаша бошлаганидан дарак беради.

Яна бир жиҳат. Хусусий олий таълим шаклининг ривожланиши абуриентларда танлов имконини ҳам кенгайтиради. Муассасалар эса рақобат муҳитида таълим сифатини ошириш учун юқори малакали профессор-ўқитувчиларни ишга жалб этади, илгор методикаларни таълим жараёнига жорий қилади, замонавий технологияларни фаол қўллади.

Шундай экан, хусусий олий таълим муассасаларининг аҳамияти бугун ривожланиш йўлидан дадил бораётган мамлакатлар – жумладан, Ўзбекистон учун стратегик аҳамият касб этади.

Шунга қарамай, бу соҳада ҳам ҳал қилиниши зарур бўлган айрим муаммолар, эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар мавжуд. Олайлиқ, баъзи хусусий олийоқлар сифатсиз ўқув дастурларидан фойдаланаётгани ёки тажрибасиз кадрларга таяниб қолгани кузатилмоқда. Айримлари эса етарли

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ ИСЛОХОТЛАРИ: ТАНЛОВ ИМКОНИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА



аккредитацияга эга эмас, бу битирувчиларнинг келажақда меҳнат бозориди позициясига салбий таъсир қилиши мумкин.

Молиявий юкларни ҳам ҳисобга олиш керак. Хусусий университетларда ўқиш ҳақи юқори бўлгани сабабли кўпчилик ёшлар учун танловга мақбул бўлмайпти.

Албатта, давом этаётган ислохотлар занжирида бу жиҳатлар ҳам босқичма-босқич инобатга олинапти. Қабул қилинган сўнги қарор ва фармонларда, қонуности ҳужжатларида олий таълим

тизимда хусусий секторни қўллаб-қувватлашни давом эттириш кўзда тутилгани бежиз эмас.

Бунда лицензиялаш жараёниларининг соддалаштирилиши, солиқ имтиёзлари берилиши ва ер ажратилишидаги тўсиқларнинг бартараф қилиниши фикримиз тасдиғидир.

Қисқа қилиб айтганда, Ўзбекистонда хусусий олий таълим сектори эндигина шаклланмоқда. Бу жараён ҳали йўл-йўриқ, тажриба ва тартибга муҳтож. Шунга қарамай, хусусий секторнинг мавжудлиги рақобатни кучай-

тиради, тизимга янгиликлар киритади ва талабаларга танлов имкониятини яратлади.

Сир эмас, меҳнат жамоаларида тобора чуқурлашаётган рақобат муҳити юзага келган. Халқаро майдонда ҳам кадрларнинг янги авлоддан юқори касбий малака талаб қилинмоқда. Давр ҳар бир олий таълим муассасасидан ҳам Ўзбекистонимиз, ҳам минтақамиздаги қўшни давлатлар, ҳам жаҳондаги етакчи давлатларда меҳнат қилишга лаёқатли кадрлар тайёрлашни талаб қилмоқда. Шубҳасиз, бу олий таълим сифатини таъминлашга бўлган илҳимий бурюрма ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг глобал жараёнлар билан муносабатлари кескин кенгаймоқда. Инвестицион муҳит фаоллашмоқда. Илҳимий, иқтисодий соҳаларда янги тармоқлар, қўшма корхоналар пайдо бўлиб, хусусий мулк субъектлари ривожланипти. Бу жараён олий таълимдан ана шу модернизациялашаётган иқтисодиёт, такомиллашаётган илҳимий сектор талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлашни талаб қилади.

Шу ўринда хусусий университет ректори сифатида ўз тажрибамдан келиб чиқиб, айрим масалаларга эътибор қаратмоқчиман. Тажрибали ва юқори малакали профессор ва ўқитувчилар хусусий университетларнинг асосий

бойлиги ҳисобланади. Зотан, жаҳон рейтингларида ҳам айнан муассасада таълим бераётган муаллимларнинг салоҳияти олийоқ ўрнини белгиловчи мезон ҳисобланади. Ишга қабул қилишда уларнинг илҳимий салоҳиятига, шунингдек, хорижий тилларни билиши, нуфузли илҳимий журналларда мақолалар эълон қилиши, дарслик ва ўқув қўлланмалари нашр этилгани, халқаро “херш” индексига эгалигига жиддий эътибор бериш даркор.

Таълим жараёнида назария билан амалиётнинг ўзаро уйғунлигига эришиш – бош масала. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, таълим жараёнининг, яъни назарий билимларнинг амалиёт билан бевосита боғланишига алоҳида эътибор қаратишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

Биз, аввало, мутахассислик кафедралари талабалар танлаган касбга мос ташкилот, корхона, тадбиркорлик субъектлари билан шартнома имзоладик. Бундай ҳамкорлик натижасида тайёрланаётган кадрлар ўзининг бўлажак иш жойи билан танишади, у ердаги малакали мутахассислар тажрибасини ўрганади. Шу тариқа талаба рақобат

муҳитида бемалол фаолият юритиши учун замонавий касбий билимларни пухта эгаллаши зарурлигини дилдан ҳис қилади.

Илҳимий тадқиқот ишларини тижоратлаштириш, ўқув жараёнини инновациялар билан узвий боғлаш ҳамда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадини халқаро ҳамкорликсиз амалга ошириб бўлмайди. Университетда ўтказилган халқаро илҳимий-амалий анжуманларга Германия, Буюк Британия, Латвия, Литва, Эстония, Индонезия, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркменистон вакилларини ҳам тақлиф этаётганимизнинг сабаби шунда.

Биз товарлар рақобатбардошлиги ҳақида кўп гапирамиз. Аммо жаҳон меҳнат бозориди ишчи кучи ҳам – товар. Шундай экан, бугун ҳар қандай олий таълим даргоҳи ватанпарвар, рақобатбардор кадрлар тайёрлашга мажбур. Хусусий олий таълим муассасаларига бу борада масъулият икки қарра кўпроқ тушади.

Бу масъулиятни эсдан чиқаришга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.

**Абдусалом УМАРОВ,**  
Тошкент амалий фанлар университетини ректори,  
техника фанлари доктори,  
профессор.



# ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ИФОДАСИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Замонлар эврилиши ҳосиласида фахрий унвонлар, орден ва медаллар муомалага киритилади. Уларнинг махсус низомлари ва топшириш тартиблари ишлаб чиқилади. Бу воситалар тақдирлаш жараёни янада жозибали шаклга келтиради.

Гапни тарих саҳифаларидан бошлаганимиз бежиз эмас. Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг минтақа ва халқаро майдондаги дўстлик ва ўзаро манфаатга асосланган сиёсати дунё етакчилари томонидан ижобий қабул қилинмоқда ва олқишланмоқда. Бу Президентимизга қатор давлат раҳбарлари томонидан топширилаётган мукофотларда ҳам ўз аксини топмоқда.

Ўтган вақт мобайнида Давлатимиз раҳбари кўшни ва дунёдаги етакчи давлатларнинг бир қатор нуфузли мукофотларига сазовор бўлди. Қозоғистоннинг "Олтин қирани" ва "Дўстлик", Қирғизистоннинг "Данакер", Тожикистоннинг "Зарринтож", Россиянинг Александр Невский, Франция Фахрий легиони, Туркиянинг "Республика" орденлари, Туркий дунёнинг олий ордени, МДҲ фахрий нишони, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг фахрий нишони ва бошқалар шулар жумласидан.

Бу тақдирлашлар Ўзбекистоннинг дунё майдонда нуфузи ортиб бораётгани, давлат раҳбари тинчликсевар ва тараққийпарвар лидер

сифатида намоён бўлаётгани ишбатидир. Шу билан бир қаторда бу хориж сиёсий элитасининг мамлакатимизга қизиқиши ортаётгани, халқимиз салоҳиятига юксак баҳо бераётганининг амалий ифодасидир.

Жорий йилнинг 5 август куни бўлиб ўтган тақдирлаш маросими ҳам Ўзбекистон-Туркманистон ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш сари қўйилган навбатдаги муҳим қадамдир. Бу маросимнинг халқаро конференция доирасида ўтказилгани ҳам ўринли бўлди. Зеро, Шавкат Мирзиёевнинг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар буйича учинчи конференциясида илгари сурган куйидаги олти муҳим ташаббуси том маънода "Ҳамкорликни ривожлантиришга" қаратилгани билан аҳамиятлидир:

биринчидан, халқаро транспорт йўлакларига ва инфратузилмасини жадал ривожлантириш учун мувофиқлаштириш;

иккинчидан, БМТ шафелигида денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган мамлакатлар учун Транзит кафолатлари тўғрисидаги глобал битимни ишлаб чиқиш;

учинчидан, БМТ шафелигида Денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган мамлакатларнинг логистика интеграциясига қўмаклашиш жамғармасини таъсис этиш;

тўртинчидан, денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган мамлакатларнинг Заифлик глобал индексини ишлаб чиқиш;

бешинчидан, Ўзбекистонда агротармоқни ривожлантириш учун Инновацион хабни яратиш;

олтинчидан, умумий таҳдидларни биргаликда бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқишга мамлакатларимиз етакчи экспертлари ва "ақл марказлари"ни фаол жалб этиш, бу борада халқаро анжуман ва давра суҳбатлари ўтказиш.

Маълумот учун, ҳозир дунёдаги 32 мамлакат тўғридан-тўғри денгизга чиқиш имкониятига эга эмас.

Давлатимиз раҳбарининг конференциядаги нутқи куйидаги фикрлар билан яқунланди: "Глобал бозорларга чиқиш барча учун тенг бўлиши керак. Ўзбекистон глобал тараққиётнинг янада адолатли архитектурасини шакллантириш борасида конструктив ва узоқ муддатли шерикликка доим очиқ ва тайёр эканини сизларга яна бир бор билдирмоқчиман".

Жадид боболаримиз бундан юз йил аввал минтақанинг қуруқлик ичкарисида қолиб, қоқоқликка юз тутаетгани, жаҳон савдоси денгиз ва уммонларда давом этаётганидан қайғурган эди. Бугун уларни ташвишга солган, кейинги даврларда ҳам ечимини кутган денгизга чиқиш масаласи Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати тўғрисида босқичма-босқич амалга ошмоқда. Шу маънода, Юртбошимизни мукофот билан муборакбод этамиз.

Отабек БАКИРОВ

## КЎРГАЗМА

1-10 август кунлари Туркистон жадидлик ҳаракатининг асосчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби, ношир ва педагог Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 150 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Бадиий академияси ташаббуси билан танлов-кўرғазма очилди.



## ЖАДИДЛАР ОБРАЗИ РАССОМЛАР НИГОҲИДА



Асарлари юқори баҳоланган 18 нафар ижодкорнинг ҳайкалтарошлиқ, рангтаъсир ва график йўналишлар бўйича ишлаган асарлари кўрғазманинг асосий қисмини эгаллади. Улар орасида портрет устаси Сабир Раҳметов ва ёш rassom Эрик Қулмановнинг ишлари мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилди. Хусусан, Э.Қулманов ўз асарига Бехбудийнинг сўнгги кунларидаги ҳолатини моҳирона акс эттирган.

"Қатагон қурбонлари хотираси музейи экспонатлари" бўлимида ХХ аср бошидаги Туркистон муҳитини ҳис қилишингиз мумкин.

"Замонавий технологиялар асосида яратилган асарлар" – бу бўлимдан Камолитдин Бехзод номидagi Миллий rassomлик ва дизайн институти талабаларининг ижод маҳсули ўрин олган. Ўзига ҳос томони шундаки, бу ердаги асарларни замонавий санъат воситалари асосида яратишда график дастурлар, рақамли коллажлар ва сунъий идрокдан фойдаланилган. Бу ёндашув жадид бобомиз қиёфасини замон билан уйғунлаштиришга хизмат қилади.

Рассомлар Бехбудийнинг ички дунёси, фикрлари, орзуларини ранглар ва рамзларда ифодалашга интилан. Ҳайкалтарошлар эса Бехбудий билан бир қаторда Абдулла Қодирий, Чўлпон каби миллат фидойилари образини гавдалантириш борасида ҳам муваффақиятли тажрибалар олиб борган.

Кўрғазма иштирокчиларининг ёндашуви, бадиий тафаккури, тарихий онг билан ишлаш маҳорати юқори баҳоланди. Айниқса, ёш ижодкорларнинг бу мавзуга бўлган қизиқиши – санъат орқали тарих билан мулоқот қилишга уринишлари эътиборга молик.

Аббос ШОЙИМОВ

## ФЕСТИВАЛЬ

Қадим замонлардаги Хоразм аҳлининг тирикчилигини аниқ-тиниқ акс эттирадиган матални эшитганмиз: "Уч ой қовуним, уч ой совуним. Уч ой қовогим, уч ой чавогим". "Қовун", "қовоқ" – тушунарли. Лекин "совун" ва "чавоқ" нима дегани?

Амударё ҳар икки соҳилда яшовчи кишиларга фақат суви билан эмас, турли балиқлари билан ҳам тириклик манбаи бўлган. "Чавоқ" – бу балиқ. "Совун" деганда табиат неъматларини турли усуллар билан қишга сақлаб қўйиш – ёзу кўздаги тўқниқдан қолган ризқ тушунилади.

Қовун воҳада неча минг йиллардан буён экилаётгани қадим битиклар, сайёҳларнинг ёдномаларида тилга олинади. Х асрда араб сайёҳи Ёқут бошқа ўлкаларда учрамайдиган қовунлар ҳақида ҳайрат билан ёзган. Хоразмни "ун минг қалъали" юрт деб таърифлар экан, ҳар қалъадаги тўқин бозорларда миришкорлар ширин-шакар қовунларини жуда арзон баҳода сотаётганига урғу берган.

Савдогарлар эса ажиб йўллар билан қарвонларда Хоразм қовунларини Бағдодга асл ҳолатида – униқтирмай етказгани ҳам айни ҳақиқат. Тилни ёрар қовунлар салкам ўз вазни миқдорда тиллога сотилган.

Беш аср илгари хонлик Европага куз-қиш ойларида қовун экспорт қилгани архив ҳужжатларида қайд этилган. Бугина эмас, қовун мағзидан тайёрланган қовунқоқи Олимпия ёки Фарангистон қироллари дастурхонларини ноёб емак ўлароқ беазаган.

Юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг янги босқичи Хоразм қовунларига "иккинчи умр" бахш этди – Хивада ҳар йили август ойида республика Туризм қўмитаси ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида "Қовун сайли" халқаро фестивали ўтказиш анъанаси айланган.

Бу йил ҳам анъана давом этиб, уч кун давомида "Арда Хива" мажмуасини турли қовунларнинг ўзига тортар ҳидлари тугтиб кетди. Айниқса, мазкур фестиваль хоржилик сайёҳларнинг эътиборини тартади. Чиройли қилиб терилган, баланглиги қадим меъморий обидалар билан беллашадиган, турли ранг ва кўринишдаги қовунларни фақат томоша қилиб қолмасдан, ундан татиб кўриш, тўйганча истеъмол қилишни ким хохламайди дейсиз?

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш марказининг сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Хоразм илмий-тажриба станциясида воҳада етиштирилган 124 турдаги қовуннинг уруғи сақланади. Нафақат сақланади, балки барча нав қовунлар оз майдонларда бўлса-да экилиб, уларнинг намуналари ҳар йили "Қовун сайли"да намойиш қилинади.

Рақамнинг ҳайратланарли эканини тасав-

# "УЧ ОЙ ҚОВУНИМ..."

## МАТАЛИ ЎЗГАРГАНИГА ЎН ЙИЛЛАРДАН ОШДИ



вур қиялмасизми? 124 турдаги қовунлар! Шу ўринда аждодларимизнинг малакаси, тажрибаси ва салоҳиятига қўйил қоламиз, раҳматлар айтамыз! Беҳад фахрланамиз ҳам.

Баҳор адоғида бошқа вилоятлардан келтирилган тезпишар тарвузлар қаторида воҳада етиштирилган тезпишар қовун турлари ҳам аҳоли дастурхонига етказиб берилган бошлади. Кунда-кунора кўчалар бўйлаб қовун тарвуз сотаётган юк машиналарни болалар ўраб олишгани манзараси кўзларни қувонтирди. Ёзнинг илк ойи ўрталарига келиб эса воҳа табиатига мос, ўхшаши йўқ гураклар пишиб етилди ва аҳоли тилиги тилни ёрар ноёб қовун таъминдан баҳраманд бўлди.

Шу ўринда қовунчиликдан келадиган даромад ҳақида мухтасар айтмоқ лозим. Воҳада полизчиликка ихтисослашган фермер хўжалиқлардан ташқари, аҳоли қўшимча томорқаларида қовун етиштиришни йил-йилдан кўпайтираётгани ортида ҳам айнан кам чиқим эвазига яхшигина даромад топиш иштиғи ётибди. Очиқ майдонларга экилган тезпишар қовун кектарига ўртача 250 центнер тош босади. Баҳор оёғида ҳар бир килограмм қовун 6-7 минг сўмдан сотилди. Ёз ойларида келиб эса нарх 2-3 минг сўмга тушди. Демак, бир гектарга қовун эккан деҳқон ўртача ҳар гектардан 100 миллион сўм атропофиди даромад топади. Бошқа бирор экин бу қадар соф даромад олиб келмайди. Шоли

ёки бошқа экинларни етиштиришда сарф-харажатлар умумдаромаднинг деярли ярмини ютиб юборса, қовун етиштиришга сарфланган харажат оладиган даромаднинг энг кўпи билан 15 фоизини ташкил қилади. Бир марта – ундаям гектарига 200 килограмм минерал ўғит берилиши бир ёқ, бор-йўғи ҳали палак ёзар вақтида бир бора сўғорилиши бир ёқ.

Айнан сарф-харажатнинг камлиги сабаб сўнгги йилларда янги боғ ташкил қилган фермерлар боғ ораларига қовун экиш тажрибасини кенг қўллаб бошлашди. Боғ орасига экилган қовун гектарига 150 центнер ҳосил беради. Ёз ўрталарига қовун йиғиштириб олинади – кузда эса мевалар пишиб етилади. Бир майдондан шу тахлит икки марта ҳосил кўтарилади.

Айрим фермерлар бугундан бўшаган майдонларга қовуннинг тезпишар навларини экиб, куз ярмида ҳосил кўтариш тажрибасини кўллашмоқда. Бу билан ҳам сув тежалани, ҳам қишқа мўддатда – уч ойда яхшигина даромад олинади.

Ўтган йили боғотлик фермер Мурод Явмутов қадим боболар анъанасини қайта тиклади – дунёнинг икки юз давлатида амал қиладиган "Ҳалол" сертификати эгаси бўлган бу тадбиркор илк бора Буюк Британияга қовун экспорт қилди.

Биз ҳали чорак асрдан буён воҳа қовунчиларининг Япония, Жанубий Корея каби

каби давлатларга қовун мураббоси, қовун уруғи экспорт қилаётганлари, уларнинг сафи йил сайин ошиб бораётганини айтмаямиз. Биргина ўтган йили воҳа полизчилари ҳоржича салкам 1 миллион долларлик қовун уруғи сотишди. Бу уруғлар экиш учун эмас – Шарқий Осиёдаги айрим давлатларда қовун уруғидан турли дори-дармонлар тайёрлаш технологиялари амалиётда эканлиги билан изоҳланади.

Ҳозирда воҳада қовуннинг тезпишар ҳамда қиши навларидан энг кўпи билан ўн тўрт тури экиляпти. Илмий тажриба станциясида авайлаб сақланаётган юздан ортиқ қовун навлари уруғлари ўз даври келишини кутяпти.

Болалик давримизда – ўтган асрнинг олтинчи-еттинчи йилларида воҳада қўллаб экилган қовуннинг айрим навлари бугун полизларда кўринмайди. Таъми ширинлигида гурвак билан беллашадиган "Қари қиз" навли қовуннинг таъми катта авлод вакилларининг оғзида қолган. Ёки мағзи бир қарич келадиган, ҳар бирининг оғирлиги 25-30 килограмм тош босадиган "Олахомма" навли қовун ҳам бугун камёб. Полизчилар бу навли қовунни анча кеч пишиши сабаб экмэй қўйишган. Ишонимизки, қишлоқ хўжалигига янги технологиялар тезкор кириб келадиган ҳозирги даврда юқорида эслатилган қовун навларини тезпишар навлар билан чатиштириш орқали қайта экиш ва парварилаш тажрибасини йўлга қўйиш керак.

Қадим ва ҳамisha навқирон Хивада "Қовун

сайли" бошланмоқда. Уч кун давом этадиган фестиваль ўтган йиллардагидан завқлироқ, ҳашамлироқ ўтиши аниқ. Сайилга ташриф буюрадиган меҳмонлар сони ҳам бу йил рекорд кўрсаткичга етиши ҳеч шубҳасиз.

Заҳматли меҳнатлари ҳосиласи бўлган ширин-шакар қовунлари билан фестиваль бир қанча номинациялар бўйича муносиб тақдирланадилар. Бош соврин – замонавий қимматбаҳо энгил машина ҳам ҳақиқий эгасини топади, албатта!

Бугина эмас. Айнан полизчиликка берилаётган эътибор самараси ўлароқ, "Уч ой қовуним" матали эскиргани – энг асосийси. Бугун воҳа полизчилиги бўйича муносиб тақдирланадилар. Бош соврин – замонавий қимматбаҳо энгил машина ҳам ҳақиқий эгасини топади, албатта!

Воҳада қовуннинг 124 нави борлигини юқорида ҳайрат ва ифтихор билан қайд этгандик. Рақамни келтиришда сал шошибмиз. Ўтган йилнинг ўзида Хоразм илмий тажриба станцияси ҳамда Урганч давлат университети олимлари воҳа тупроғи ва иқлим шароитларига мос учта янги қовун навини яратишибди. "Ифтихор", "Гандимён" ҳамда "Қумуш" деб ном берилган янги қовун навлари тажриба станцияси майдонларида илк бора экилди ва яхшигина ҳосил кўтарилди. Бугун бошланиб, уч кун давом этадиган "Қовун сайли"да илк бора шу янги нав қовунлар фестивал иштирокчиларига тақдим қилинади.

Бу Юртбошимиз ташаббуси билан бошланган "Қовун сайли" фестивалининг қисқа фурсатдаги самараси ва ютуғи залворли эканидан дарак беради.

Қадим Хивага "Қовун сайли"га марҳамат!  
Рўзимбой ҲАСАН





Шу кунларда икки ардоқли адибимиз – Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам ва Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим кутлуғ 75 ёшни қарши оляпти. Устоз ижодкорларнинг адабиётимиз ва маънавиятимизга қўшган ҳиссалари ҳақида киссалар сўйлаш мумкин. Энг муҳими, Бойсундек гўзал маъводан бўй тортиб юксалган қўш чинор бугун адабиётимиз чорбоғига кўрку файз бахш этиб турибди.

Сиз азиз муштарийлар номидан устозларимизни чин дилдан кутлаб, илҳому шижоат ва мустаҳкам тансихатлик тилаб қоламиз!



## ҲАҚ СЎЗГА САДОҚАТ

Усмон Азим катта адабиётга ўтган асрнинг 70-йилларида ёниқ овоз билан кириб келган, илк шеърлариданоқ ўз кучига ишонган курашчан шоир сифатида ўзини намойиш этган эди. Шеърларига кўчган жасорат, исёнкор руҳ, ҳақиқатпарварлик, ва танпарварлик ва миллатпарварлик ҳамда эркак ташналик шоир шахсига, унинг асарларига мухлис-ларда катта ишонч уйғотди.

Давр зиёлилар, айниқса, ижодкорлардан халқ ва миллат тақдирини учун курашишни ҳар доимгидан кўра кўпроқ талаб қилар эди. Бу вазифа эса виждони уйғоқ, орномуси баланд, дунёда ҳақиқат учун курашадиган, ҳақ сўзни айтиш иштиёқида ёнганлар зиммасига тушди. Улар шахсий манфаатдан кўра халқ саодатини устун қўйдилар. Адабиёт ва миллат дардини куйлаб, ёниқ ижод қилдилар.

Жамиятда турғунлик давридан кейин бошланган қайта қуриш йилларида Усмон Азим ва тенгдошларининг овози янада баралла янгради. Чунки улар ижодкор жамиятдаги барча ўзгаришларга жавобгардир, деган чақириқни ўз виждонларининг амри деб билардилар.

Бу авлод қисқа муддат ичида адабиётга янги руҳ бағишлай олди. Шеърга муносабатини ўзгариштиришга, барқарорлаштириб қолган сийқа фикрлардан, қотиб қолган шеърини шакллардан қочиб уридилар, ҳақ сўзни айтишга интилдилар. Шу боис, курашчан руҳ ва виждоннинг шиддатли сўзлардаги намойиши кўпчилигининг эътиборини тарта бошлади. Шоирнинг ушбу шеъри бунинг ёрқин мисолидир:

Осмонга ҳам отагум тош,  
Гуноҳкор бўлса қуёш.  
Гуноҳкор бўлса қуёш,  
Қайтиб тушмагандир тош.

Осмон ҳам бўлиб ғаним,  
Қайтиб тушса – не ғаним.  
Бир тош тушса тушубди  
Тоғдай бошимга маним.

Усмон Азим ижоди мукаммал адабий борлиқ. Шеърятимизнинг умуман, адабиётимизнинг муҳим қисми. Катта ижод мактаби. Ўзбек адабиётини бу шоирнинг ижодисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Унинг турли мавзу, жанр ва шакллардаги асарлари жаҳон адабиёти сатҳида олиб қаралганда ҳам ўрناق бўладиган мақомда эканлиги англашилади.

1978 йили чоп этилган “Инсонни тўшуниш” деб номланган илк китобидаги: “Шеърятни юракдан сиқиб, курашиб, ҳайқириб яшаш осонми?...” каби мисраларида катта шеърятга кириб келаётган шоирнинг ўз елкасига, тўғрироқ, ўз юрагига катта юкни – масъулиятни олаётганини ва буни чуқур ҳис қилиб, англаб-тушуниб яшай бошлаганини кўриш мумкин.

Кейинги – “Ҳолат” китоби (1979) эса шоир шеърлари диапозонининг аввал-бошданок кенг бўлганидан, шунга мойилликнинг кучлигидан дарак беради. Кейин чоп этилган ўнлаб шеърини китоблари, наср ва драмалари жамланган бошқа тўпламлари унинг ҳақ сўзга садоқатини намойиш этиб туради.

Усмон Азим ижоди катта бир ўзан – халқ оғзаки ижодидан баҳраманд бир шеърят. Бахшларнинг сўз ва оҳанглирида тобланган шоир орзуларга тўла қўшиғу дostonларда куйланган ҳақиқат ва адолат, муҳаббат, садоқат, юртсеварлик каби мотивларни ўз шеърларига олиб ўтди:

Ҳақ гап учун ҳар бир ишга  
кўнади эл,  
Тўғри сўздан кўпаяди,  
тўлади эл.

Дордан кўрқиб ёлғон  
айтиб турганим йўқ.  
Шоирлари ёлғон айтса,  
ўлади эл...

Қаҳрамонимиз ўзбек шеърятига мутлақо янги бир оҳанг – бахшилар оҳангини олиб кирди, дейиш мумкин. Замонавий шеърятда қадимий оҳанглари бу аснода қўллаш Усмон Азим ижоди билан боғлиқ адабий ҳодисадир. Шоир халқ ижодида ҳос мавзу ва оҳанглари ўз шеърларида турли усулларда қўлайди. “Бахшиёна”лардаги бахши образи Усмон Азимнинг яна бир топилмаси. Шоир ўз дардини Элбек бахши, Элмон бахши каби халққа сеvimли бўлиб қолган ҳақиқат энцилари тилидан қўлайди:

Чинорларга хассан, дедим,  
Осмонларга пастсан дедим,  
Юлдузларни кўлда тугиб,  
Тутганим йўқ – мастсан,  
дедим...

Айни пайтда бу ижодкор ҳар қандай катта шоир каби дунё маданияти ва адабиётини ҳар доим чуқур ҳис этиб турган, унинг ўзини га тушиб ижод қилаётган истеъдод соҳибидир. У бутун инсониятга тегишли катта яраткилар – асарлар руҳини қайта идрок этиб, ўз шеърятда уларга янги мазмун беради. “Ҳамлет”, “Отелло”, “Брут”, “Орфей”, “Диогенга хат”, “Дедал ва Икар”, “Гладиатор”, “Ван Гог ҳақида ҳикоя”, “Акутагава” каби шеърлари, “Хамса”га татаббуъ” туркуми буни яққол исботлайди.

Бутун инсониятга тегишли деб билганимиз “Ҳамлет” Усмон Азим ижодидаги муҳим мавзу. Шоир бу тимсол ва унга алоқадор мавзулар ёрдамида эрк ҳақидаги орзуларини, ҳаёт диссонанслари – тирчилик ва ўлим, ҳақиқат ва ёлғон, муҳаббат ва хиёнат, адолат ва зулм сингари азалий ва доимий муаммоларни тафтиш қилади.

Усмон Азимда ҳаммаша инсон қалбига кириб боришга, уни бутун нозикликлар билан ҳис этишга ва ифодалашга интилиш кучли бўлган. Иллар ўтгани сайин шоирнинг бу интилиши маҳоратга айланади.

Шоир ўзига ҳақ мавжуд шеърят аъналаридан, тажрибалардан фойдаланди. Ўз йўлини топди, уни шакллантирди, юксак даражага олиб чиқди. Баъзан барқарорлашиб қолган фикр ва тушунчаларга қарши чиқди, уларни ўзгариштириш учун кўрқмай илгарига интилди. Изланди, тинмади – ёзаверди. Шу боис бугун унинг аънавий бармоқ вазида битилган шеърлари ҳам, аруз оҳангидаги ғазал ва мухаммаслари ҳам, оқ шеър сочмалари ҳам фақат Усмон Азимга хос жаранглайди. Уларнинг ҳар бирида, ҳар бир мисрада, сўзда, ҳатто товушларда ёлғон йўқ Усмон Азим яшайди. Чунки шоир шеър излаб эмас, ўзини топиш учун шеър ёзади:

Ҳеч қачон шеър излаганим йўқ,  
Тақдиримни изладим фақат...

Устоз ижодкор ўзбек шоирлари ичида поэзиянинг имкониятларидан жуда кенг ва унумли фойдаланган шоир. У кўплаб баллада, драматик баллада, драматик дoston, шеърини йўлда битилган драматик

қисса каби жанрлардаги асарлари билан ҳар қандай жанрнинг ўзбек шеърятда бемалол истифода этилиши мумкинлигини исботлади – уларни миллийлаштирди. Драматик балладаларида эртақ ва дostonлар қаҳрамонлари ҳаётини янги талқинларда ривожлантириб, улар воситасида инсон зотининг маънавиятини, ижтимоий-ахлоқий қиёфасини тасвирлайди, қалб драматизми – изтироблар тасвири орқали уни ўз ботинига назар ташлашга, ўзини, дунёни тўғри идрок этишига ундайди. Кенжа ботир, Ўртанча ботир, Тўғри ботир, Оқ ботир ва Қоработир, Маликаи Бошпарни ёхуд Элбек бахши каби эртақ дostonлардан кириб келган қаҳрамонлар балладаларда бугунги куннинг муаммоларини тафтиш этаётгандек. Аслида, булар ҳамма замонларда энг муҳим деб қаралган имон-этиқод, ватанни севиш, ўз шаънини қадрлаш каби масалалардир.

Сўз афсунгарининг кўпчилик шеърга соломлайдиган мавзуларда ҳам сўзни малолсиз, яйратиб қўллаш, аввало, воқеани бутун мукамаллиги билан идрок этишида, воқеа драматизми кўра олишида, уни ривожлантириб қайта яратишни билишидир. Шу боис Усмон Азим шеърятда бир жанрдан иккинчисига осонлик билан ўтади, шеърдан насрга ёки драматик асарга ҳам худди шундай қийналмай ўтиб ижод қилади.

Шоирнинг насрга, драматургияга қўл уриши тасодифий эмас. Замонавий ўзбек шеърятда воқеликни шеър даражасига олиб чиқиб, уни лирик пафос билан ифодалаш ва қўтилмаган хулосаларга келишда Усмон Азим даражасига чиқиб бориш осон иш эмас. Бундай ижодий имконият шоир шеърларидаги драматизмининг кучайтириши – лирик қаҳрамон ва тимсолларнинг кечинмаларга бой руҳий оламини жуда ҳам нозиклаштириб таҳлил қилишга йўлайди. Айни шу имконият шоирнинг драматик ва насрий асарлар яратишга ундагани аниқ. Ижодининг дастлабки давридан то шу кунгача ёзиб келаётгани – “Бахшиёна”лар ҳам элик воқеликни лирик қўламда ифодалаш маҳоратини намойишдир.

Усмон Азим айрим драмаларининг мазмуни, фабуласини дастлаб унинг шеърларида учратамиз. “Бир қадам йўл”, “Кундузсиз кечалар”, “Тонг отган тарафларда” каби пьесаларнинг қисқа бадиий тарҳи шоирнинг шеър ва ҳикояларида мавжуд.

“Умрни бахшида этмоққа бир нарса арзишини сезаман – АДАБИЁТ!” – деган эди шоир бундан кўп йиллар олдин ёзган бир эсседа. Умрни бағишлаган йўл ўзининг ва ўзгаларнинг уйғонишига, ўсиб камолга етишига, Ҳақ йўлни топишига кўмак берган, қувонишига, қуйиб-ёнишига сабаб бўлган бўлса, бу йўл шарафли йўлдир.

Бу шарафли йўлдаги катта ижодкор – Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимдан ҳар доим китобхон қалбига ёруғ нур олиб қирадиган, кўнгилни ўстирадиган янги-янги шеърлари кутаверамиз.

Каромат МУЛЛАХҲАЕВА

“Кўнгил – Тангрининг тахти”, деб ёзади Юнус Эмро. Бу “тахт” адабиётнинг абадий мавзуси бўлиб келмоқда. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам асарларида кўнгил мотиви ўзгача аҳамият касб этади. Бир қараганда, жайдари, кўрс кўринган қаҳрамонларнинг гўзал кўнглини, ажиб ҳисларини қаламга олади адиб.

Қаҳрамонлар тасвирини чизишда адиб шахсиятидаги кўнгилчанлик, таъсирчанлик бўртиб туради ва бу ўқувчида ҳамдардлик ҳиссини уйғотади. Ёзувчи буни атайин қилмайди, ўйлаб топмайди, балки бу сифатлар аслида унинг табиатида, фитратида бор.

Унинг, дейлик, “Пакананин ошиқ кўнгли” асарига ҳам гап қаҳрамоннинг паканалигига эмас, ошиқ кўнглига. Ёзувчи ошиқ кўнглини шундай таърифлайди: “Лекин – кўнгли!.. Э, бу бир бошқа дунё экан. Кўнгил – подшо. Кўнгил – хазина. Кўнгил – бало”. Ёзувчи учун кўнгил – илоҳий макон, унинг худуди чексиз, сирлари мафий.



## КЎНГИЛ – ХАЗИНА, КЎНГИЛ – БАЛО

### “НОСТАНДАРТ” ОБРАЗЛАРНИНГ ИНЖА ТУЙҒУЛАРИ

Эркин Аъзамнинг “Забаржад”, “Сув ёқалаб”, “Шовқин” асарлари қаҳрамонлари ҳеч кимга ўхшамайди – “ностандарт”, қоллиларга сиғмайди: беғараз, самимий, аммо қув ва шумлиги ўзига етар даражада. Жамиятга мослаша олмайдиган, ҳаммабоп бўла олмайдиган ўжар, ўр, қайсар... Асарда қаҳрамон хато қилади, нотўғри ишга қўл уради, кўнгилимаган йўлларни танлайди, ақли истамаган юмушларни бошлайди, аммо уни ёмон кўриб қолмайсиз.

Ёзувчи қаҳрамонларининг билиб-билмай, истаб-истамай мақсад йўлида тентираши, ғайритабиий, ақдан ташқари қилаётган “хунар”лари, қилиқлари ажабланарли бўлса-да, нима учундир уларга барибир хайрихоҳ бўлаверамиз, ишонаверамиз, улар билан бирга қуйиб-пишамиз, яхши кўраверамиз...

Улар жамият билан муносабатда байроқ кўтариб шиорлар орқасида яшамайди, балки аввало кўнгил инқилобини афзал билади.

Адиб қаҳрамонлари ноодатий қарашлари ва ўзини тутиши билан мулоҳазага чорлайди. Бу қаҳрамонлар, қай йўсинда бўлса-да, сизнинг қалбингизга секингина кириши ёки ҳис-туйғуларингиз тирқишидан мўралаши мумкин.

### ШОҲСАТР ВА БАДИИЙ НИЯТ

Лев Толстойнинг “Асар гоҳида бир сатр учун ёзилади” деган сўзлари бадииятнинг жавҳарини англашга ёрдам беради. Мана шу жавҳар гоҳи билан бириккиб кетади. Ижодкорнинг асл мақсади шу сатрларга жойланган бўлади.

Зеҳн солиб қаралса, айрим асарларда ана шу калит сўзни топиш мумкин экан. Биз бу сўзга шартли равишда “шоҳсатр” деб ном бердик. Эркин Аъзам асарларига шу нуқтага назар билан ёндашиб, ўша шоҳсатрни топиш умидида ёзувчи асарларидаги баъзи ўринларга диққат қаратдик.

Дастлаб “Забаржад” қиссасини олайлик. Асар “индамас” (ўз оти ўзи билан – С.Т.) ва Забаржаднинг хуфёна учрашуви билан бошланади. Йўқ, буни суҳбат деб ҳам бўлмайди. Чунки бундай эпизодларда сўзловчи-жавровчи бир киши – у ҳам бўлса Забаржад. Бизнингча, қисса айнан мана шу суҳбат учун ёзилгандек... Бор гап шу ерда айтилади. Қолгани ёзувчи мақсадини ойдинлаштириш, кучайтириш, бўрттириш, асослаш, далиллаш учун хизмат қилади. Қисса бошиданоқ асар коди имо-ишоралар орқали берилади.

Таништирувнинг ўзи ҳам савол, ҳам жавоб: “Забаржад деган бир... қиз деймизми энди, жувонми...” Энди унинг қалбига чуқурроқ разм солиш учун “ичкариси томон мўраласак: “Кўнглидан кечгани эса бундай: “Шугина керакмиди сизларга? Мана, тамом! Кўнглингиз жойига тўдими, жоним? Баттар бўлинг!” Шу ўринда Забаржадда иккиланиш, бўлиниш юз беради: ақл ва кўнглининг можороси. Бири иккинчисига иддао қилади. Аммо афсус-надомат борми бу “таъна-маломатда”? Бизнингча, қайтага “яхши бўлди, ўзим ўзимдан кутулдим”, дейди. Ўз-ўзидан кутулиш – тутилишми? Кўнгил ақлга изох бераптими ёки ақл кўнгилга юпанч бўлмоқچими?

### КЎНГИЛ МУЛКИ СОТИЛМАЙДИ!

Асар сахналаридан бирида Забаржад тарвузнинг “юраги”ни аяратиб олиб “дўстининг оғзига мажбурлаб” тирқиши беҳиз эмас. Бу каби эпизодлар асарда талайгина. Аммо қисса матнида очиқ айтилганидан айтилмай қолгани кўп. Забаржаднинг ўзи ташаббус кўрсатиб пинҳона учрашув ташкил қилмаганда, “индамас”нинг журъати етармиди... Қишлоқдаги йигитчага қарата “Юракка буюриб бўларканми, укажон” дейди. Бу қизнинг ҳаётдан толган ва ўзи иқдор бўлган, билган ҳақиқати, фалсафаси!

Ёзувчи суҳбатлардан бирида шундай дейди: “Забаржад” қиссасининг дастлабки номи “Мулк” эди. Забаржаднинг бир гапи бор: “Мулк сотилмайди! Кўнгил мулкнинг савдога қўйиб бўлмайди!” Мана шу жумлада асарнинг асос мағзи тўлиқ қамраб олинган.

Эркин Аъзам доимо “индамас”ни (“Забаржад”) парда ортида тасвирлайди. Фарҳодда (“Шовқин”) эса аксинча. Вика нима учун Фарҳодга боғланганини ўзи англаб етмайди, образ мантиғи етарли далилланмаган. Ёзувчи фақат Фарҳоднинг муҳаббатини муҳим деб билади, Вика фақат севилади. Виканинг севиши айтилмайди. Аммо иккинчи тараф ҳам бефарқ эмаслигига ишора бор, аммо “кўрсатилмайди”.

Забар, Вика, Дилия... Ёзувчи ўзи суйган қаҳрамонларини шундай атайди. Бу атовда муаллифнинг ҳам меҳр-муҳаббатини сезиш қийин эмас.

### “БЎЙИМДАЙ БЎЙ ТОПДИМ-У...”

Эркин Аъзамнинг кейинги асарларидан бири “Сув ёқалаб” деб номланади. Бир вақтлар раис бўлиб, амал супасида кўп ишларни кўрган, билган Болта Мардон қишлоқ бўйлаб айланади. Сув танқис, сув жанжали баҳонасида яшаган маконини бирма-бир айланиб чиқади.

Ёзувчининг нияти аста-секин очила боради. Болта Мардондаги “ақл” ўзидан рози бўлса-да, кўнгил кемтик. Кемтикликни ҳеч нарса тўлдиролмайди. Вақт ҳукмини ўтказиб бўлган. Ўзини кўндириб яшашдан зада бўлган инсон умри ниҳоясида дилидагини тилига кўчиришга мажбур. Бундан бу ёғига бу армонни кўтариш оғирлик қилади.

Болта Мардон юрагиди бу юқдан қутулиш учун зиммасидаги юкни елкалайдиган одам қидиради. Дарднинг бировга айтиб, ундан қутулиб бўлармикин? Айтса, кимга айтади? Бу – аввалгисидан ҳам оғирроқ юмуш. Бунинг учун кўнгил махрами, сирдош, “жураги” бор мард бўлмоғи лозим. Оқил ота ўйлай-ўйлай бу марднинг топади. У сирга фақат кенжа ўғил муносиб махрам бўла олади, деб ўйлайди. Фарзандлар орасидан ҳали ўйланмаган кенжанин лойиқ қўрилишида ҳам гап кўп... Мана асардаги бизни қизиқтирган шоҳсатрлар: “Тагин бир гап, ўғлим. Эртага бир кун орқамда қолмасин-да. Сен энди ёш бола эмассан, билиб қўйганин маъқул. Нолгани – ношукр дейдилар. Энангин айтаман-да, яхши хотин. Ювош. Ўзим ҳам ундан бирор ёмонлик кўрмадим. Лекин кўнгил кўрғур ҳеч-е... Билмадим – нимага...”

Рафиқасидан ҳеч бир ёмонлик кўрмаган, болаларининг меҳрибон онаси, “ювош”, муштипир аёл садоқатли бўлса-да, кўнгилни кўндириш қийин. Болта Мардон халқ ҳикмати билан айтганда, “бўйидай бўй топди-ю, кўнглидаги кўнгил топмади...” Ақл билан кўнглининг муросага келиши, кўнглига буюриш, мажбурлаб итотда сақлаш осон эмас. Кўнгил тубидаги дардларнинг юзга қалқиб чиқиши, кимнидир соғинишини, кўнгли нимадир тусашини Болта Мардоннинг ўзи англай олмай ҳалак.

### КЎНГИЛНИНГ “ШОВҚИН”И ТИНАРМИДИ?

“Шовқин” романи қаҳрамони Фарҳод Рамазон “қулоғи”даги шовқинни йўқотиш илнжидида юрт кезади. Ҳаётдан ўзини, ўзлигини қидириш, кечмишини тафтиш этиш орқали Фарҳод кўнгли ройишини топади. У бир муддат Вика билан учрашади, гуёки қидирганини топгандай бўлади. Топиб ҳам кўнгил деганларни тинчмайди-да. Хотирасида из қолдирган ҳислар исқанжасида умргузаронлик қилаётган Фарҳод икки дунё оралиғида яшайди. Реал ҳаётда тулпа-тузуқ амалдор, оиласи, бола-чақаси бор тўқис одам. Аммо ичкаридаги “шовқин” унинг тинчини бузади, оромини олади. Кўнгилни даволаб бўлармикин?... Фарҳод ўзини қийнаган сўровларга жавоб топиш учунми, олисга – ўтмишга йўл олади. Ҳадик-хавотирларни босиб ўтиб, Фарҳод Фарҳодович билан юзма-юз келишга куч топади. Фарҳод Рамазон жамият томонидан қабул қилинган ахлоқ меъёрлари билан келиша олмайди? Исён деб атаганимизни мана шу аънавий тугумларга нисбатан деб ҳам қабул қилиш мумкин.

Шу вақтгача Фарҳод кўнгил галаёнларини босим билан ушлаб туришга муваффақ бўлади. Исён кўзголонга йўл беради. Мажбурий остида зўрлаб бостириб турилган аланга тобора шиддат олиб, ловиллаб, гуриллаб кетади. Гуриллаган олов йўлидан чиққан нарсаларни ҳам ўзи билан олиб кетади. Оловда ёнаётган нарсанин нима экани аҳамиятсиз. Бу асардаги шоҳсатрни мана шу лавҳада деб билдик: “Қаранг, ҳаёт ўзи ғала-ғовур шовқинга тўла-ку, тўғрими? Кўнгилни ўйланг, кўнглини авайланг, иним. Кўнгли – ўзингизники, қолган шовқин-сурон эса дунёга тан. Одамзоднинг миллати ҳар хил бўлиши мумкин, лекин унинг ўзи ягона, бир нусхалик ҳоло! Кўнгил ҳам шундай – биттагина, яқка-ягона”.

\*\*\*

Умуман олганда, Эркин Аъзам қаҳрамонлари учун Кўнгил рози олдидан барчаси ўтаберсин! Улар учун муҳими – кўнгил рози, юракка қулоқ туттиш. Забаржад, Болта Мардон, Фарҳоднинг қарашлари маълу мавнода муаллифнинг қарашларини ўзида акс эттиради. Назаримизда, бу ўй-фикрлар муаллифнинг ҳам ҳаёт ҳақидаги фалсафаси, иқрори. Зотан, ҳар бир бадиий асар ёзувчининг ўзи анлаган ва шуни маъқул билган ҳаёт фалсафасининг аксидир.

Саномар ТҮЛАГАНОВА



ТАЛҚИН

# НАВОЙНИНГ ЎЛМАС ЗАФАРНОМАСИ

“  
Навой – буюк шахсият, аммо бугун биз уни фақат ўтмиш рамзи сифатида эмас, балки янги тафаккурнинг маънавий асоси сифатида қабул қилишимиз керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Буюк миллатлар дунё саҳнасида ўз маънавияти, қалб садоси, тарихий мероси ва жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссаси билан танилиб келган. Улар қалбида эса бир неча авлодлар учун елкадош, руҳий камолот сари етакчи бўлган шахслар тирик маънавият тимсолига айланади. Шу маънода, ўзбек халқи учун Алишер Навоий наинки ўтмишнинг буюк шоири ёки мутафаккири, балки маънавият, адолат ва юксак тафаккурнинг тамсилчиси сифатида юраклардан жой олгани бежиз эмас. Бугунги кунда эса Навоий меросини давлат сиёсатининг маънавий таянчи сифатида талқин этиш – Янги Ўзбекистон мафқурасида алоҳида ўрин тутмоқда. Ҳазрат Навоийнинг тафаккури ҳозирги вақтда ҳам маънавий етуқлик, руҳий баркамоллик ва ижтимоий масъулият белгиси сифатида яшамоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан маънавият, адабиёт ва тарихга қаратилаётган эътиборда ҳам ана шу ўлмас руҳ устуворлигини кўрамыз.

Шу ўринда айтиш лозимки, тарихдаги ҳар қандай мустақкам салтанатнинг асосини икки улуғ куч – сиёсий барқарорлик ва маънавий етакчилик ташкил қилган. Амир Темур давлати ва темирлар сулоласи ҳам айнан шу икки таянчга суянган. Бу тарихий сабоқ Навоий ва Хусайн Бойқаро дўстлигида янада ёрқин ифодаланган: давлат ишларида маънавий етакчиликка алоҳида ўрин берилган. Улуғ навоийшунослар таъбири билан айтганда, “Навоий сўз билан юртдан сиёсат, Хусайн амал билан бошқарган давлат эди”.

Сўнгги йилларда илм-фан, маънавият, адабиёт ва санъатга давлат сиёсати даражасида ёндашилмоқда. Жумладан, ўнлаб фан ва санъат арбоблари давлат мукофотлари ҳамда академик илмий унвонларига сазовор бўлди. Ўқитувчилар, олимлар, ижодкорларга моддий ва маънавий рағбат кўлами ортди. Янги Ўзбекистонда маънавият давлат ривожининг стратегик устунига айланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Алишер Навоий меросини тиклаш, халқ орасида янада кенг тарғиб қилиш борасида навоийшунослик янги даврга қадам қўйди. “Ёш китобхон” танлови, Навоий ғазалларини ёддан айтиш бўйича миллий танловлар, китобхонлик учун мукофотлар ва рағбатлантириш механизмлари давлат сиёсатининг ажралмас қисмларидан бирига айланди. Бу эса илм ва маърифатга бўлган оммавий қизиқиш муҳитини шакллантира бошлади.

Баҳолаш тизимининг адолатлиги, очил ва шаффоф тест усулига ўтиши, талабаларнинг халқаро таълим майдонига чиқиши, нуфузли чет эл университетларида тахсил олиши одатий ҳолга айлана борди.

Алишер Навоийдек туркий тилда ижод қилган буюк адабий даҳонинг айнан бизнинг халқимиздан етишиб чиққанини ифтихор билан эътироф этиш мумкин. Ҳазрат шеърини шу даражада ҳаётиники, “Хазойин ул-маоний” тўпламидаги тўрт девонда ўттиздан ортиқ касб эгалари, юздан зиёд тарихий, адабий, диний ва бошқа соҳа вакилларининг номи тилга олинади. Умум-башарий ғояларга бой бўлган бу ижод замонлар ўтган сари янги маънолар касб этмоқда, китобхонлар географияси эса тобора кенгайиб бормоқда.

Агар шоир ўз замонида:

**“Олибмен тахти фармонимга осон,  
Черик чекмай Хитодин то Хуросон”,**  
яъни, лашкар тортмасдан Шарқий Туркистондан то Хуросонгача ўз китоблари ва ғоялари орқали ҳукм юритганини таъкидлаган бўлса, бугунги кунда унинг ижоди Хитой ва Япониядан тортиб, Россия, АҚШ, бутун Европа ва Осиёда ўқилаётганини фахр билан айтишимиз мумкин. Бу эса Алишер Навоийнинг маънавий мероси нафақат миллий, балки глобал қадриятга айланганидан далолат беради.

Даҳо шоиримиз худди шу кунлар келиши муқаррарлигини билгандай, жаҳон халқларига мурожаат этган ва уларни тинчлик ва бирдамлик сари чорлаган:

**Олам аҳли! Билингизким, иш эмас душманлиг,  
Ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиг иш.**

Бу мисралар шунчаки бадий ибора эмас – бу инсонийлик, бағрикенглик ва умуминсоний ҳамжиҳатлик фалсафасининг ёрқин ифодасидир. Ҳозирги замонда,

да. Давлат ташаббускорлигида ҳар йили Навоий ҳаёти ва ижодида бағишланган кўплаб илмий-амалий анжуманлар, халқаро форумлар, танловлар ташкил этилаёттир. Бу жараёнда нафақат адабиётшунослар, балки дипломатлар, сиёсатчилар, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Зеро, Навоий фақат ўтмишнинг шоири эмас – у бугуннинг ҳам, эртанинг ҳам маънавий маёқларидан бирдир.

Ўрта асрларда деҳқончиликка асосланган халқнинг ҳаёт тарзи осон эмас эди. Эл-улуснинг ғам-алами ва ташвишларини Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Абдурахмон Жомий каби маънавий раҳнаомлар, Алишер Навоий каби сиёсат ва адабиёт вакиллари қалбан ҳис этиб, жон фидо этиб енгиллатишга уринаётган эди. Амир Алишер халқ хизматидаги фаолиятини шундай ифода этган:

**Ваҳки, умрум барча зоеъ бўлди эл коми била,  
Бодаи ноб ўрнига хуноба ошоми била.**

Мазмуни: *мен бутун умримни элнинг орзу-умидла-*



**Президентимиз  
ташаббуси билан  
2025 йил Навоий  
вилоятида  
“Алишер Навоий йили”  
деб эълон қилинди.**

**Олам аҳли! Билингизким,  
иш эмас душманлиг,  
Ёр ўлунг бир-бирингизгаким,  
эрур ёрлиг иш.**

айниқса, дунё саноати тобора ҳарбий характер касб этаётган, давлатлар ўртасида кескин зиддиятлар ва қуролли тўқнашувлар авж олаётган бир пайтда бу байт замиридаги маънони янада теран англаймиз.

Айни шу маънода, Навоийнинг ушбу сўзлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси пештоқиға зарҳал ҳарфлар билан ўзбек тилида ёзиб қўйилгани бежиз эмас. Чунки жаҳон халқлари тақдирини урушдан даҳшатлироқ фожиа йўқ – бу ҳақиқатни бутун инсоният тарихи тасдиқлаб келмоқда. Уруш ҳалокат, уруш кўз ёши, уруш келажакни тўсувчи, тараққиётни издан чиқарувчи иллатдир.

Бундай даҳшатли оқибатлар “Сабъаи сайёр” дostonида яна бир бор бадий тасвир билан очиб берилди: **Шоҳим мулк очарни қилса насақ,  
Юз туман қон тўқар бари ноҳақ.**

Яъни, агар бир ҳукмдор янги юртларни зўрлик билан эгаллашга уринадиган бўлса, у миллионлаб инсонларнинг беҳуда қон тўкилишига сабабчи бўлади. Бу – ақл, адолат ва маънавиятга зид йўл. Бу – шоҳлар ва ҳукмдорлар учун чуқур оғоҳлик ва масъулият даъватидир.

Президентимиз халқаро минбарларда ҳамма тинчлик, узаро ҳурмат ва ҳамкорлик ғояларини илгари сура экан, бевосита Навоий сингари улкан маънавий фигуралар ижодидаги юксак қадриятларга суянади. Хусусан, “Навоий – буюк шахсият, аммо бугун биз уни фақат ўтмиш рамзи сифатида эмас, балки янги тафаккурнинг маънавий асоси сифатида қабул қилишимиз керак”, деган фикрлар Шавкат Миромоновичнинг нафақат тарихга, балки келажакка ҳам бағишланган сиёсий дунёқарашини кўрсатади.

Шу маънода, Навоий руҳияти бугунги Ўзбекистон сиёсий-маърифий ҳаётида янги мазмун касб этмоқ-

*рини рўёба чиқаришга сарф этдим; тоза май ичши ўрнига, қон-зардоб ютдим.*

Мўътабар манбаларда келган хабарларда қайд этилишича, эл учун хизмат қилиш ва эҳсон энг улуғ савобдир. Шу боис Алишер Навоий ўз бойлигининг 95 фоизини халқ эҳтиёжига бағишлаган: ҳар йили икки мингга яқин муҳтож кишига кийим-бош улашган, юздан ортиқ хайри иншоотлар – масжид, мадраса, кўприк ва ши-фоҳона барпо этган ҳамда уларнинг барқарор фаолияти учун вақф маблағлари ажратган.

Бугунги кунда давлат томонидан кам таъминланган, моддий эҳтиёжман оилаларга кўмак бериш, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” каби тизимли ёрдам механизмлари жорий этилган. Бу ҳам улуғ шоир аъёнларининг янги даврдаги мукамал давомидир. Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк зотларнинг таваллуд саналари давлат раҳбарининг махсус қарорлари билан юртимизда кенг нишонлашни халқ ва зиёлиларга кучли таъсир қилиб, қалбида чуқур эҳтиром ҳиссини уйғотди.

Халқаро Алишер Навоий мукофотининг таъсис этилишида ҳам айнан Юртбошимизнинг ташаббуси ҳал қилувчи ўрин тутди. Бу мукофот нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсида Навоий меросини тадқиқ этиш ва тарғиб қилишда катта руҳий кўтаринкилик бағишлади. Яқинда Огаҳий мукофотининг таъсис этилиши ҳам Президентимизнинг маънавият аҳлига яна бир самимий эътибори сифатида халқимиз қалбида илқ қабул қилинди.

Айниқса, Адиблар хибониди Алишер Навоий ва ул зотнинг маънавий шоғирдларига бағишлаб барпо этилган йирик ёдгорликлар адабиёт ва санъат аҳли учун мислсиз ҳавас ва ифтихор манбаига айланди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бундай кенг қамровли, эзгу ғояга асосланган маданий-маърифий композицияларнинг мавжуд эмаслиги, албатта, бу ташаббуснинг илғорлигини яққол кўрсатади.

Айнан шу каби ташаббуслар орқали мамлакатимизда адабиёт ва маънавият ислохотлари фақат шоир даражасида эмас, балки амалий, моддий ва маърифий ҳаракатларга айланиб бормоқда. Айниқса, Навоий ҳаёти ва меросини ўрганиш, унинг асарларини асли, таъдиди ва таржималарида нашр этиш ишлари тизимли равишда амалга оширилатгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Камина “Мумтоз сўз сеҳри” номли китобимизда Алишер Навоийнинг теран ўрганиш ва халқ орасида кенг тарғиб қилиш бўйича бир қатор амалий таклиф ва режаларни илгари сурган эдим. Ушбу режанинг энг муҳим бандларидан бири сифатида шундай мулоҳаза билдирилган эди: “Алишер Навоий асарларининг сюжетли қисми (яъни, дostonлари), шунингдек, унинг диний, илмий, тарихий ва бадий мероси бугунги адабий тилда таъдид этилмоғи лозим”.

Бугун эса айтиш мумкинки, ушбу таклифлар давлат сиёсати даражасида ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, “Лисон ут-тайр” дostonининг ҳозирги ўзбек тилидаги насрий ва шеърый таъдидлари, “Хамса” дostonларининг икки услубдаги баёнлари, “Ғаройиб ус-сифар” девонига бағишланган ўн та китобдаги шарҳлар, “Хай-

рат ул-аброр” дostonига бағишланган учта изоҳли нашр ҳамда “Навоий насрий асарлари”нинг соддалаштирилган таъдидлари бу йўналишда амалга оширилатгани изчил ишлар қаторидадир.

Ушбу жараёндаги илмий фаолият ва ниятларнинг юксак мақсадларга йўналтирилганини халқаро Алишер Навоий фонди ижрочи директор Олимжон Давлатов ҳам ўз сўзбошисида зукколик билан таъкидлайди: “Ёшларимиз учун Алишер Навоий асарлари тилининг мураккаблиги бизга яхши маълум. Аммо бу йўлдаги саъй-ҳаракатларимиз буюк мақсадларимизга нисбатан хануз етарли эмас”.

Президентимиз ташаббуси билан 2025 йил Навоий вилоятида “Алишер Навоий йили” деб эълон қилинди. Бу қарор фақат бир ҳудудга хос таъдир эмас, балки шоир меросини чуқур ўрганиш, унинг илмий-адабий фаолиятини жаҳон миқёсида тарғиб этишда янги босқични бошлаб берувчи улкан сиёсий-маданий ташаббусдир.

Алишер Навоийнинг бой илмий меросини бугунги авлод савияси ва қизиқишига мос равишда соддалаштириш ва шарҳлаш вазифаси ҳам мазкур қарорда аниқ баён этилди. Бу эса мутахассис олимлар, навоийшунослар, тилшунос ва адабиётшунослар зиммасига маънавий масъулият юқлади. Айни пайтда эса, юрт равнақи ва маънавият юксалиши учун зарур ижтимоий эҳтиёжга айланди.

Ушбу вазифаларнинг юқорида қайд этилган ижросига таниқли олим ва шоирлар, жумладан, академик Шухрат Сирожиддинов, шунингдек, Қосимжон Содиков, Дилназов Юсупова, Олимжон Давлатов, Баҳодир Қобилов, Абдумурод Тилавов, Иброҳимжон Сайдуллаев, Юсуф Турсунов, Абдухамид Пардаев сингари таниқли олим ва ижодкорлар камарбаста бўлди.

Натижада “Хамса” дostonларининг такрорий насрий баёнлари, “Маҳбуб ул-қулуб” ва “Муҳокамат ул-луғатайн” асарларининг янги таъдидлари, шунингдек, “Насойим ул-муҳаббат”, “Вақфия”, “Муншоот”, “Муножот”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарларининг замонавий услубдаги таъдидлари, “Лисон ут-тайр” ва “Хамса” дostonларининг шеърый таъдидлари нашр этилди. Ушбу таъдидлар нафақат адабий муҳитда, балки таълим муассасаларида ҳам кенг қўлланилмоқда. Бу жараён Навоий меросини жонли ўқиш ва англаш имкониятини янада кенгайтирмоқда.

Давлат раҳбарининг шахсан мазкур йўналишни доимий қўллаб-қувватлаётгани, мутахассисларнинг фидо-корона меҳнати билан уйғунлиқда, буюк навоийшунослик мактабининг келажак равшан эканини англади. Чунки бу ҳаракатлар орқали буюк адабнинг асарлари нафақат илм-фан учун, балки халқ маънавияти учун ҳам бебаҳо бойлик сифатида тикланмоқда.

Мендай мўсафид ҳам бу табаруқ хизматдан чет-да қолганим йўқ. “Лайли ва Мажнун”, “Лисон ут-тайр” дostonлари ҳамда “Муҳокамат ул-луғатайн” асарининг таъдид ишларида баъзан ҳамкорликда, баъзан мустақил равишда фаол иштирок этдим. Шунингдек, “Хамса” дostonларининг шеърый таржимасига масъул муҳаррир сифатида амалий кўмак кўрсатдим.

Айниқса, “Хамса” дostonларининг таъдиди ва аслият нашрини 2006, 2009, 2014, 2018 ва 2020 йилларда беш марта чоп эттиришга муваффақ бўлдим. Шунингдек, “Хамса”нинг алоҳида мукамал насрий баёни нашрига ҳам масъул муҳаррир сифатида хисса қўшдим.

Халқаро Бобур жамоат фонди (раиси Зокиржон Машрабов) раёсати аъзолари сафида, ҳазрат Алишер Навоий қабр-мақбарасига эътибор ва эҳтиром ифодаси сифатида Хирот шаҳрига махсус сафар уюштирилиб, у ерга Фозгон мрамларидан ишланган сағана ва шарқона ўймакорлик билан безалган эшик олиб борилиб ўрнатилди. Бу эзгу амал тарихий хотира ва маънавий меросга бўлган юксак ҳурмат ифодасидир. Шу билан бирга, фонд хизматчилари Навоий мақбараси атрофидаги худудни ободонлаштиришга ҳам улкан хисса қўшиб, у ерга 2 минг тупдан ортиқ манзарали дарахт ва гул кўчатларини экишти.

Алишер Навоийнинг юксак сиймосини дунё миқёсида муносиб тарғиб этиш йўлида ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Жаҳоннинг бешта йирик давлати – Россия, АҚШ, Япония, Озарбайжон ва Қозғистонда буюк мутафаккирга бағишлаб барпо этилган ҳайкаллар бу йўналишдаги ислохотларнинг ёрқин самарасидир.

Ушбу йирик ютуқлар нафақат Ўзбекистонда, балки халқаро миқёсда ҳам Алишер Навоий илми ва адабиётига бўлган муносабатни тубдан ўзгартирди. Албатта, бундай улкан маънавий тараққиётнинг замирида Президент Шавкат Мирзиёевнинг маънавият соҳасидаги оқилона, стратегик позицияси, ташаббускорона ислохотлари ва илм-фан, маданият, адабиёт аҳлига кўрсатаётган беқиёс эътибори муҳимасидир. Бу ҳақиқат халқимизнинг турли қатламлари, хусусан, зиёлилар ва ёшлар орасида яхши англаймоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ҳозирги пайтда маънавият соҳасига қаратган алоҳида эътибор ва ғамхўрлиги юксак таҳсинга лойиқ. Зеро, бу борада олиб борилаётган ислохотлар, ташаббуслар ва амалий чоралар мамлакатимизда маънавий юксалишининг янги босқичини бошлаб берди.

Ҳурматли Президентимизнинг адабиёт ва маънавият соҳасидаги қарор ва фармонлари шу зайдда изчиллик билан амалга оширилган экан, биз ҳам даҳо шоиримиз Навоийнинг жаҳонга зафарли юришига гувоҳ бўламыз, иншооллоҳ.

Навоий – фақат бир миллат ёки бир макон учун эмас, балки туркий халқларнинг умумий ифтихори, жаҳон маданиятининг беқиёс бойлиги эканини қайд этиш жоиз. Мен бу ҳақиқатга бутун қалбим билан ишонаман.

**Ваҳоб РАҲМОНОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими**





МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Сиёсий қатагон қурбони бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида"ги 2024 йил 19 июлдаги қарориди қайд этилишича, 1937–1953 йилларда мустабид совет тузуми томонидан юз мингдан зиёд халқимиз вакиллари қатагон қилинган. Уларнинг 13 минг нафари отиб ташланган. Минглаб кишилар ноҳақ қўлоқ қилинган, сургунга жўнатилган. Улар орасида атоқли давлат ва сиёсат арбоблари, илм-фан намояндалари, ижодкор зиёлилар, диний уламолар, ҳарбий соҳа ва суд-ҳуқуқ тизими ходимлари, ишчи-деҳқонлар, уларнинг оила аъзолари ҳам бўлган.

Мустақиллигимиз шарофати билан, айниқса, кейинги йилларда Ватан истиклоли, халқимиз озодлиги учун курашиб, шу йўлда қурбон бўлган ота-боболаримиз ҳаёти ва фаолиятини атрофлича ўрганиш, тадқиқ этиш, номлари ва хотирасини абадийлаштириш бўйича кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ушбу қарор ёш авлодни буюк аجدдоларимиз хотирасига ҳурмат руҳида тарбиялашга, ота-боболаримиз жасорати ва ибратли ҳаёт йўлларини янада кенг тарғиб этишга хизмат қилади. Биз бу тарихий ҳужжатдан руҳланиб, шўро даврида душман аталиб, қатл қилинган уч азиз сиймо ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Бу фидойи инсонлар Бухоро амирлигида улкан мавқега эга Эшони Судурлар ҳисобланади. "Судур"лик – амир томонидан ўз даврининг маърифат ва шижоат аҳлига берилган юксак унвон саналган.

\*\*\*

Қатагон қурбонлари ҳақидаги изланишлари билан эл назарига тушган тарихчи олим Баҳром Ибраев биз назарда тутаётган судурларнинг бири ҳақида куйидаги маълумотларни келтиради:

1931 йил 23 июнда ОГПУ қўшчилари 10-отликлар полки 2-дивизиони жангчилари ва чекистлар томонидан Бухоро амирлигининг машҳур лашкарбози Иброҳимбек ярадор ҳолда қўлга олинади. У аввал Сталинободга (ҳозирги Душанбе), сўнгра Тошкентга олиб келинади. Чекистлар томонидан ўтказилган тергов ва даҳшатли қийноқлар Иброҳимбек баробарида у зот билан Ватан тупроғига қадам қўйган, эрк ва адолат учун мардона курашган 15 нафар қўрбошига нисбатан ҳам қўлланилади.

1931–1932 йилларда уларнинг барчаси қизил армияга қарши ҳаракат қилганликда айбланади ва СССР Халқ комиссарлари совети (ХКС) ҳузурдаги ОГПУ коллегияси мажлисининг 1932 йил 13 апрелдаги қарори билан ўлим жазосига ҳукм қилинади. Сиёсий идоранинг махфий ҳужжатида келтирилган отилганларнинг рўйхати куйидагича: "Иброҳимбек Чақабоев, Сулаймон Салоҳиддинов (Эшони Судур), Абдуқаюм парвоначи Улаев, Эшон Исоҳон Мансурхонов, Алимардон додхоҳ Муҳаммедов, Ортиқ додхоҳ Аширов, Кўганбек Кенжаев, Тошмат Хўжабердиев, Мулла Ниёз парвоначи Ҳакимов, Алет (Арлот) полвон Элмирзаев, Шоҳасан Имонқулов, Кўганбек Шералиев, Мулла Аҳмадбий Саидов, Мирзақюм Шеров, Азим Марқа Остонақулов, Эшон полвон Баҳодирзода".



“Агар тарихни билмасангиз, демак ҳеч нарса билмайсиз. Сиз дарахтнинг қисми эканлигингизни билмайдиган япроқсиз.” Майкл КРАЙТОН

ЖАҲОН АЙВОНИДА

ВИЗА УЧУН ГАРОВ ПУЛИ



АҚШ Давлат департаменти сайёҳлик ва бизнес визаларига ариза берувчилар учун гаров пули жорий этиш масаласини кўриб чиқмоқда. Унинг миқдори 5 минг, 10 минг ва 15 минг АҚШ долларини ташкил этиши мумкин. Бу ҳақда "Reuters" агентлиги Федерал реестрга таяниб хабар бермоқда.

20 августдан 12 ойлик синов дастури ишга туширилади. Гаров пули виза режими бўйича қонунбузарлик кўрсаткичи юқори бўлган ҳамда ҳужжатлар устидан етарлича назорат ўрнатилмаган давлатлар фуқаро-

ларидан ундирилади. Хорижликлар АҚШдан кетса, пуллари виза шартларига мувофиқ қайтарилади.

ХИТОЙДА ЯНГИ ВИРУС

Гуандун провинциясида июлдан буён 7 мингдан ортиқ одам Чикунгуна вирусини юқтириб олгани аниқланди. Худуд раҳбарияти COVID-19 пандемияси тажрибаси асосида аҳоли саломатлигини кўзлаб қатор тақикларни жорий этмоқда, дейилади CNN хабарига.



Беморлар Фошань шаҳридаги шифохоналарга ётқизилган. Улар вазиятга қараб, бир ҳафта ёки буткул тузалгунча шу ерда қолади.

Ушбу вирус чивинлар орқали тарқалиб, иситма ҳамда бўғимларда кучли оғриқ кел-

тириб чиқаради, аломатлар баъзан йиллар давомида йўқолмаслиги мумкин.

ВАЗИРЛАР АВИАҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

Гананинг Ашанти вилоятида 6 август куни ҳарбий вертолёт қўлаб тушди. Оқибатда саккиз киши ҳалок бўлди. Улар орасида икки нафар вазир ҳам бор. Бу ҳақда "Pulse Ghana" хабар берди.

Қурбон бўлган мудофаа вазир Эдвард Оман Боама ҳамда атроф-муҳит, фан ва технологиялар вазири Иброҳим Муртал Муҳаммад фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва малака оширишга қаратилган дастур доирасида сафарга чиққани маълум бўлди.



Мамлакатда мотам эълон қилинган. Айни пайтда фавуқулда тергов ишлари олиб борилмоқда.

АРМОНЛИ ЙИЛЛАР САДОСИ



Рўйхатдагилар орасида Эшони Судур номи ҳам тилга олинган. Тарихчи Насриддин Назаровнинг "Муҳаммад Иброҳимбек лақай" китобида қайд этилишича, Эшони Судурнинг исми Сулаймон Салоҳиддинов бўлиб, у 1878 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. Отаси Эшон Салоҳиддин Бухоро амири Саййид Абдулаҳадхон саройида қатор юқори лавозимларда ишлаган. Унинг охири лавозими шайхул-ислом бўлиб, мансаб жиҳатидан тўғридан-тўғри амирнинг ўзига бўйсунган ҳамда таълим ва тарбия ишларини бошқарган.

Эшон Салоҳиддин Саййид Олимхон тахтга чиқмасидан олдин оламдан ўтган. Уғли Эшон Сулаймон янги амир эътиборида бўлиб, Ғузорда истиқомат қилган. Амир унга босқичма-босқич ўроқ, судур, садр унвонларини берган. Шу тариқа амирнинг садоқатли кишисига айланган.

Саййид Олимхон умидли режалар билан Душанбега йўл олган, Эшони Судур ҳам унга эргашиб, Шарқий Бухорога юзланади. Амир воқеалар ривожини кузатиб, бир мuddат Афғонистонда туришни маъқул кўради. Эшони Судур ҳам сафдаги ўрнини англаб, 1921 йилда қўшни давлат ҳудудига ўтади. Иброҳимбек билан саккиз ой Афғонистонда бўлиб, 1931 йил июнь ойида у билан бирга яна советлар эгаллаган ҳудудга қайтади. Бир неча кун тоғма-тоғ юриб Деновга – Худойназар командирнинг уйига боради. Икки кун меҳмон бўлган, Денов ГПУсига қуролларини топширишади. Эшони Судур Иброҳимбек ва унинг ўн олти сафдоши билан бирга ҳуқумат томонидан қамоққа олиниб, Тошкентга олиб келинади ва 1932 йилнинг август ойида уларнинг барчаси қатл этилади.

\*\*\*

Таниқли олим ва ижодкор Мирзо Кенжабекнинг "Буюк термизийлар" китобида яна бир бойсунлик Эшони Судур ҳақида куйидагича маълумот бор:

Босқинчилар доворак, кучли илм ва маънавий ҳолга эга бундай йўлбошчини жисмоний йўқ қилишнинг турли-туман йўлларини излашади.

1924 йил қишда Эшони Судур зарурат юзасидан Деҳқонободга боради.

НКВД ходимлари унинг ортидан келади. Халқ душмани деган айблов билан у Бойсунга келтирилиб, уч кун ушлаб турилади ва отишга ҳукм қилинади.

Бойсунликлар айни пайтда Саййид Тожуддинхон туғилиб ўсган ва советлар томонидан отилган Газа қишлоғида унга атаб мақбара тиклашган.

\*\*\*

Учинчи қаҳрамонимиз нуроталик Эшони Судур – Эшонхўжаев Турсунхўжа (1872–1936) ҳам нафақат ҳаётлигида, вафотидан кейин ҳам халқ хурмати ва эътиборини қозонган муҳтарам зотдир. Бу табаруқ сиймо Зарафшон ОГПУси томонидан 1928 йил 9 августда ЗОООУнинг 48-ордери билан ҳибсга олинган. Расмий ҳужжатларда ўша пайтда унинг 64 ёшда эканлиги, саводлиги, мадрасани тамомлагани қайд этилган.

Ўша куни Нурота шаҳрининг Чилламосор кўчасидаги Эшони Судурнинг 15-уйи тинтув қилинади ва у советларга қарши курашган жиноятчи сифатида ҳибсга олинади. Кўйилган айбловга кўра, у 1917 йилда амирликдан ўроқ даражасини олган, Колесов бошлиқ қизил армияга қарши курашган. 2000 одам тўплаб, уларни жангга бошлаган ва ўзи бошчилик қилган. Шунингдек, Карманадан 5000 одамни қуролли гуруҳга қўшган. Қизиллар биров чекинаган, Мулло Абдуқаҳор гуруҳи билан бирлашиб, Колесовга келадиган ёрдамнинг олдини олиш мақсадида Малик станцияси темир йўлларини буздирган. Ғиждывонда қизилларнинг отликларига бардош беролмай, 100 нафар йигити билан Нурота тарафга чекинаган.

Турсунхўжа октябрь тўнтариши вақтида Бухоро амири Олимхон ва чет эллик ҳарбий мутахассис Анвар Пошо билан яқин алоқада бўлиб, халқни совет ҳокимиятига қарши қўзғатган. У Эшони Судурлик даражасини олган, қизилларга қарши кураш ташкилотчиларидан бирига айланган ва Ўзбекистон ЖКнинг 69-, 78- ва 242-бандлари (РСФСР ЖКсининг 58-13, 59-3 ва 173-бандлари) билан жиноятчи деб топилган.

Жиноят иши ОГПУнинг 172-24 айблови билан судга оширилган. 1928 йилнинг 2 ноябрида ОГПУнинг тезкор йигилишида қўйилган айблар тор доирада муҳокама қилинади ва Эшони Судур Самарга сургун қилинади. Сургундан қайтган, Тожикистоннинг Ваҳдат туманидаги Тангаи қишлоғида яшайди ва 1936 йилда шу ерда вафот этади.

\*\*\*

Тадқиқот давомида архивда сақланаётган фотосуратлардан бири эътиборимизни тортди. Унда Иброҳимбек қўрбошининг Тошкентда отилган ўн олти сафдошидан бешови акс этган: Улар – Иброҳимбек қўрбоши, Алимардон Додхоҳ, Эшони Судур, Мирзақюм Шеров, Абдуқаюм парвоначи Улаев.

Ўртадаги шахснинг сурати остига "Эшони Судур" деб ёзилган, изоҳда эса бу киши қўрбоши Сулаймон Салоҳиддинов деб таништирилган. Ушбу сурат интернет тармоқларида эълон қилинган эди. Нуроталик Турсунхўжа Эшонхўжа авлодлари суратдаги "Эшони Судур" тағматни эгаси боболари эканини таъкидлашади. Лекин

ўн олти қўрбоши ичида нуроталик Эшони Судур бўлгани ҳақида далил йўқ. Шу нуқтада архив суратларида номутаносиблик борлиги кўзга ташланади.

Давлат архивида сақланаётган икки сурат эса янада чуқурроқ тадқиқот талаб қилади. Суратлар остидаги ёзувлар хосми ёки таваккал ёзилганими, аниқлаш лозим.

Юқоридаги бешталиқ суратда бир шахс "Эшони Судур Сулаймон Салоҳиддинов" деб таништирилган бўлса, кейинги сурат тағматнида "Эшон Исоҳон Мансурхонов" деб таништирилади. Ёнидаги суратнинг остига эса "Қўрбоши Салоҳиддин Сулаймонов" деб ёзилган.

Бу ҳақда соҳа мутахассислари шундай изоҳ беради: 20–30-йилларга тааллуқли ҳужжатларда бу каби чалкашликлар кузатилиши мумкин.

Турсунхўжа Эшонхўжанинг фотосурати борлиги жиноят иши жиҳидида қайд этилган. 1928 йилнинг 5 августидан терговчи Кореневский қори Маҳмуд Турсунов ва Тош Зариповлардан "Бухоро амири Олимхон бир гуруҳ яқинлари билан тушган суратда Турсунхўжа Эшони Судур борми?" деб сўраганида, ҳар иккаласи олдинги қаторнинг сўнига ўтирган оқ либосли киши Турсунхўжалигини айтади. Тахминланган шундай бир сурат ҳам архивдан топилди.

Суратдагиларнинг бир гуруҳи маҳаллий либосдаги мағлуб амирлик амалдорлари бўлса, бир гуруҳи голийликдан масрур совет маъмурларидир.

Расм оммага намойиш этиш учун нописандлик билан тасвирга олинган бўлса керак. Оқдий одамларнинг фикрини қалғитиб, шўро тарафда бўлишга, акс ҳолда, суратда акс этган казо-казоларнинг аҳволига тушишларига ишорадек туйилади.

Бу суратда амир йўқ, фақат яқин мулозимлар бор. Чунки Саййид Олимхон совет маъмурлари қўлига тушмаган. Назаримизда, терговчининг сўроғида гапизлик бордек. Бизнингча, унинг "Бухоро амири Олимхон бир гуруҳ яқинлари билан тушган суратда Турсунхўжа – Эшони Судур борми?" деган сўроғи аслида "Бухоро амири Олимхоннинг яқинлари акс этган мана бу суратда Турсунхўжа – Эшони Судур борми?" тарзида қўйилиши керак эди. Суратни синчковлик билан кузатган киши айтилган ўриндаги шахс Турсунхўжанинг аввалги суратларига ўхшашлигини пайқайди.

Ҳақиқатга юзлансак, Турсунхўжа – Эшони Судурнинг туғилганига бир ярим асрдан ошди (1872), вафотига эса қарий бир аср бўлди (1936). Ҳозирда унинг тўртинчи ва бешинчи авлодлари бор. Шунинг учун қиёсларда ва таҳлилларда эҳтимол устувор бўлиб қолаётир.

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатагон қурбонлари ҳақидаги мазкур қарори тарихий ҳақиқатни юзага чиқаришда зиммамизга улкан масъулият юклайди. Эшони Судур Турсунхўжа фаолиятига оид тадқиқотимиз бу сиймони арбоб, уламо, саркарда, ишчи-деҳқонлар сардори сифатида оммага танитиш йўлидаги яна бир қадамдир.

Мустақиллик йилларида Нурота шаҳридаги Титов маҳалласи қайта номланиб, унга Эшон Судур – Турсунхўжа номи берилган. Ушбу ҳудудда уй-музейи ҳам ташкил этилса, нур устига нур бўлар эди.

Суюндик Мустафо НУРОТООЙ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ЎТА КУЧЛИ ГИЁХВАНД МОДДА ТАРҚАЛМОҚДА



Дунё матбуоти гиёхванд моддаларнинг янги тури – нитазен ҳақида бонг уряпти. Бу ҳақда "Медуза" хабар берди.

Нитазен синтетик афюн (опиоид) ҳисобланиб, оғриқ қолдирувчи восита сифатида яратилган, ammo бирор марта тиббиётда қўлланилмаган, чунки унинг кичик миқдори ҳам ўлимга олиб келиши мумкин.

2019 йилдан буён нитазеннинг 10 дан ортиқ янги тури пайдо бўлди. 2019-2024 йиллар мобайнида бу моддалар Шимолий Америкадан Африка ва Осиёгача бўлган турли қитъалардаги 28 мамлакатда аниқланди ва юзлаб одамларнинг ҳалокатига сабаб бўлди.

ЭНГ УЗУН ОСМА КЎПРИК ҚУРИЛАДИ

Рим Сицилия оролини Калабрия минтақаси билан боғловчи қиймати 15,6 миллиард долларлик кўприк қурилишига рухсат берди. Бу дунёдаги энг узун осма кўприк бўлиши кутилмоқда, деб ёзади BBC нашри.



Италия расмийлари кўп йиллардан буён Мессина кўприги лойиҳасини муҳокама қилаётган эди. Бундан олдинги бир неча тақдимотлар моддий, экологик, хавфсизлик жиҳатдан яроқсиз деб топилган. Бу гал муҳандислар замонавий меъморий ечим асосида хавфсизлик тўла таъминланишига кафолат берган.



# “КЕТДИНГМУ СЕН МЕНИ ТАШЛАБ...”

Бошланиши 1-саҳифада.

Бироқ бу талаб этиборга олинмай, мазкур конференция большевиклар ҳукуматининг навбатдаги халқаро даражадаги бир томошасидан бошқа нарса эмаслиги аён бўлади-қолади. Буни англаб етган миллий тараққийпарварларнинг ҳафсаласи пир бўлиб, энди маҳаллий раҳбарларнинг бир қисми миллий истиқлолчилик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга киришади.

Чўлпон 1921-1922 йилларда Бухорода бўлиб, “Бухоро ахбори”да муҳаррирлик қилди. 1922-1924 йиллари Абдулҳай Тожиев билан Фарғонада чиққан “Дархон”, 1923-1924 йиллари “Фарғона” газеталарида ишлади. Советлар 1923 йил Фарғонада босмачиликка қарши жиддий ва қонли курашни авж олдиради. Бу вақтда Фарғона жадидлари ва маҳаллий раҳбарларнинг қатъий талаби билан миллий озодлик курашчиларига нисбатан амнистия эълон қилинади. Жараёнда миллий истиқлол курашига бош қўшган бир қисм аҳолини қизил армиянинг муқаррар қирғинидан сақлаб қолишга эришилади. Шундай оғир шароитда Абдулҳай Тожиев Москвага чақириб олинади. Чўлпон Тошкентга, дўсти, Туркистон маориф комиссари Назир Тўрақуллов ёнига келиб, Фитрат, Санжар Асфандиёров, Султонбек Хўжанов, Султон Сегизбоевлар билан “Инқилоб” журналида ишлаб бошлайди.

1923 йил январь ойида Мунаввар қори Абдурашидхон ташаббуси билан “Нашири маориф” жамияти ташкил этилади. Улар бу хайрли тадбирда вақф мулкларининг имкониятларидан ҳам унумли фойдаланишни ният қилиб, Вақф жамияти муассислигида “Ҳақиқат” журналини чоп этишни йўлга қўяди. Бу жараёнда ҳам Чўлпон улкан ғайрат намунасини кўрсатади.

“Нашири маориф” қисқа муддатда вақф даромадлари ва аҳолидан йиғилган пул эвазига каттагина ишларни амалга оширади. Хусусан, Орскдан тараққийпарвар Аҳмад Исҳоқовнинг Туркистон тарихига оид катта кутубхонасини сотиб олиб Тошкентга келтирадilar. Бироқ зиёлиларнинг бу ҳаракати совет ҳукуматининг жиддий қаршилигига сабаб бўлади. Натижада қўллаб тараққийпарварлар устидан жиноий иш очилади. Мунаввар қори Абдурашидхон, Саидносир Миржаллилов каби халқ орасида катта обрўга эга зиёлиларга қарши мақбуравий ҳужум авж олади. “Нашири маориф”нинг Туркистон ҳукуматидаги ҳомийларидан Назир Тўрақуллов ҳам Москвага чақириб олинади. Шундай бир шароитда Чўлпон учун оғир қунлар бошланади.

Файзулла Хўжаев Мухиддин Турсунхўжаев томонидан тайёрланган тавсифномани имзолаб, Чўлпонни Москвага йўллади. СССР ХКСда ишлаётган Турор Рисқуллов бу ижобий тавсиянома асосида шоирни таржимонликка олади. Шу тариқа Чўлпон 1924-1927 йилларда Москвада қолишга мажбур бўлади.

1926 йили Москвадаги Ўзбек муаллимлари институти директорлиги Ҳамдам Тожиевга топширилади. Янги раҳбар Чўлпонга институт ётоқхонасидан жой бериб, ўша вақтда Москвада бўлган



Фитратни ҳам ўзбек талабаларига дарс беришга жалб қилади. Улар қисқа муддатда барча ўзбекистонлик талабаларни ўз атрофида жамлаб, турли тўғараклар фаолиятини, қизгин баҳс-мунозараларни авж олдиради, ҳақиқий илмий муҳитни яратди. Аммо Марказнинг “сергак” комсомоллари талаби билан Ўзбек муаллимлар институти тугатилиб, Чўлпон ишсиз қолади...

Юртга қайтишга қарор қилган шоир Самарқандга келгач, 1930 йилгача Фулом Зафарий билан Муסיқа билим юртида ишлади. Бироқ...

1930 йил совет ҳукумати функциянерлари томонидан ўйлаб топилган “Наркомпрос иши” натижасида Боту раҳбарлигидаги зиёлилар қамоққа олинади. Чўлпон ва Фитрат бошида қора булутлар тўплана бошлайди. Файзулла Хўжаев уларни асраб қолиш учун қўлидан келган чораларни кўради. У 1931 йил 300 сўм билан Чўлпонни яна Москвага йўллади. Шунга қарамай, Чўлпонга қарши ҳужум сусаймайди. Шоир 1932 йил 27 майда Москва 41, Гражданская кўчаси 101-уйдан Ўзбекистон ҳукумати раҳбарлари Ф.Хўжаев ва А.Икромовлар номига ёзган хатида К.Алимовнинг маҳаллий матбуотдаги ўзига қарши мақолаларини чоп этишни тўхтатишларини сўрайди.

Файзулла Хўжаев ҳукумат раҳбари сифатида Чўлпон олдида ўзини масъул деб билади. Ҳар гал Москвага борганида учрашиб, уни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлайди. 1934 йил вазият юмшагач, Хўжаев Чўлпонни яна Тошкентга чақиртириб, шахсан ўзи қарши олди. Бу гал унга 500 сўм пул ва яхши шароитли бир уй ҳам топширади. 1936 йил Чўлпон касал бўлиб қолганини эшитган Файзулла Хўжаев кўришга боради ва “биз сизни даволаймиз” деб мамлакатнинг энг яхши дўхтирларини жалб этади...

Шу йилларда Чўлпон “Гулистон” журналида Аъзам Аюб, Санжар Сиддиқ, Мирқарим Осим, Элбек, Усмон Носир, Уйғун, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Марям Султоновалар билан биргаликда ишлади.

1937 йил 12 июль куни ЎзССР Ички ишлар халқ комиссари Загвоздин давлат хавфсизлиги ходимлари Маврин, Агабековлар томонидан тайёрланган қарорга имзо чекади. Унда Абдулҳамид Чўлпонга нисбатан аксилинқилобий унвур сифатида ЎзССР ЖКнинг 66-моддаси 1-қисми ва 67-моддалари қўлланади. 13 июль куни ҳеч бир қўшимча текширувларсиз уни қамоққа олиш учун ордер ёзилади. Тошкент шаҳри, Джерзинский кўчаси 49-уй, 2-хонадонда тинтув ўтказилади. Тинтув якунида Қоҳирада чоп этилган бир неча журнал, шахсий буюмлар – соат, камар, паспорт, 45 сўм пул, шунингдек, ёзишмалар, шеърлар, кўкрак нишонлари рўйхатга олинди, олиб кетилди. Уша куни тўлдирилган шахсий анкетада унинг оиласи сифатида турмуш ўртоғи Екатерина Ивановна (30 ёш, уй бекаси), сингиллари Фозила (30 ёш) ва Фоиқа (27 ёш)нинг номи келтирилган.

23 июль куни бўлган илк сўроқда Чўлпон минг азоб ва таҳқирлар остида ўзига қўйилган барча айбловларни тан олишга мажбурланади. 1937 йил август санаси билан Агабеков яна бир қарорни имзолайди. Унда “Чўлпон савдогарнинг ўғли, йирик уламо Заҳириддин Аъламнинг хияни, “Миллий иттиҳод”га Мунаввар қори Абдурашидхон томонидан қабул қилинган. Бироқ шу вақтгача Файзулла Хўжаев, Турор Рисқулловлар ҳомийлиги остида қатагондан сақланиб қолган”, дейилади.

Загвоздин 22 август куни Ғози Олим Юнусов ва Чўлпоннинг аксилинқилобий фаолиятини ўрганиш учун икки ойга терговга тортилсин, деб қарор чиқаради. Афтидан бунга ўша вақтда шоирнинг қамоққа

олинишига қарши кенг аҳоли қатламлари ва ёшларнинг қаршилигини инобатга олган маҳаллий ҳукумат раҳбарларининг Марказга мурожаати сабаб бўлган.

25 сентябрь куни сўроқда ҳам Чўлпон ўзи таниган-билган инсонлар ҳақида берилган саволларга жавоб беради. У қанчалик оққунгил бўлмасин, совет тузуми жаллодлари Чўлпонга нисбатан инсон зоти чидай олмайдиган зулмни сусайтирмайди. Натижада, 1 ноябрь куни тақдирга тан бериб, “жиноий ишнинг кўрдим, розиман, бошқа қўшимчам йўқ, ишни ёпинглар”, деб ёзиб беришгача боради. Шундан сўнг ҳам ҳар эҳтимолга қарши 13 ноябрь куни Чўлпон иши юзасидан янги бир қарор чиқарилади. Унга қўра, Чўлпон 1932 йилдан гуёки Япония фойдасига жосуслик қилган эмиш. Шу-шу, Чўлпонни бошқа бевозта қилишмайди, аммо қарий бир йил совуқ турмада сақлашади.

1938 йил октябри бошида Чўлпон Ғози Олим Юнусов ва Абдурауф Фитрат билан юзлаштирилади. Афсуски, сўроқ баённомалари каби юзлаштиришлар ҳам амалий аҳамиятга молик кўрилмайдилар. Бунинг бош сабаби ҳукм аллақачон Марказ томонидан чиқарилиб, тараққийпарварлар маҳв этилиши, уларнинг номлари ҳам тарих саҳифаларидан ўчирилиши керак эди.

Чўлпоннинг айблов баённомаси 1937 йил 16 декабрда ЎзССР ИИХК Агресян томонидан имзолаиб, далил-исботсиз ўзбекининг буюк шоири бўйнига ЎзССР ЖКнинг 64-, 67-, 58-моддаларида кўзда тутилган жиноятлар иланиди. 1938 йил 3 октябрда мазкур қўғозлар номи аниқ кўрсатилмаган қандайдир СССР помпрокурори томонидан имзоланади. Ваҳоланки, оралиқ вақтда қанчадан-қанча ҳукмга қиритилиши мумкин бўлган воқеликлар аниқланган. Бироқ, бизнингча, қўғоридида қўғоз Марказнинг назоратидан ўтказиб олингани учун унга бирор ўзгартириш киритишга ҳеч кимнинг ҳадди сизмаган. Энг қизиғи, дунё таниган инсоннинг суди қўғозда кўрсатилишича, 1938 йил 5 октябр куни соат 13:55 – 14:10 да “Учлик” томонидан ўтказилган. Чўлпоннинг ўзи эса 1938 йил 4 октябрда маҳв этилган эди...

Кейинчалик Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг иши қайта кўриб чиқилади. Жараёнда ЎзССР Ёзувчилар уюшмаси томонидан махсус комиссия тузилади. Орадан кўп вақт ўтган бўлса ҳам айрим кимсалар Чўлпон шеърлятидаги миллий руҳ ўзуриб турган ишларни “аксилинқилобий” исён сифатида баҳолашда давом этишдан қайтмадилар.

1956 йил 9 март куни сўроққа чақирилган Абдулла Қаҳҳор ўз фикрини қуйидагича баён этади: “...Усмон Носирнинг “Меҳрим” тўпламидаги шеърлар ҳеч қандай аксилсиз мазмунга эга эмас, унинг ўзи ҳам ажойиб шоир ва таржимон эди. Абдулла Қодирийнинг “Обид кетмон” романи бошқа асарларидан кўра бўшроқ, лекин ёмон асар эмас. Ўзбек ёш шоирлари Фитрат, Элбек, Боту, Чўлпонларнинг шеърлари ҳам бари ажойиб ёзилган, уларнинг ҳам бирортасига аксилсиз асарлар деб баҳо бериш керак эмас...”

Чўлпон 1957 йил 1 август куни СССР Олий Суди Ҳарбий коллегияси томонидан оқланади. Аммо қайси айби учун жазолангани очиқланмайди.

Чўлпоннинг пок номи фақат мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнггина халққа қайтарилди. Шоирнинг юбилей саналари нишонланди, Андижонда шоирнинг бюсти ўрнатилди, Чўлпон музейи очилди. Кейинги йилларда ҳам бу йўналишдаги ишлар давом эттирилмади.

**Баҳром ИРЗАЕВ,**  
тарих фанлари бўйича  
фалсафа доктори

ХОТИРА АЗИЗ



## ҚАТАҒОН ҚҮРБОНЛАРИ

(Давоми.)

Бошланиши ўтган сонларда.

**Раҳматзода Абдуллаев** – 1898 йил Қўқон шаҳри Галчасой даҳасида туғилган. 1918 йилгача жадидлар мактабда, ўқитувчилар семинариясида таълим олган. Бир муддат Муҳаммаджон Холиқовнинг янги усул мактабда муаллим ёрдамчиси бўлган. Туркистон муҳторияти даврида Пулатжон Қаюмов, Маҳмудхўжа Ризаев каби маърифатпарвар билан бирга фаолият кўрсатган.

1920 йилдан маҳаллий газеталарда фаол муаллиф сифатида қатнаша бошлади. 1923 йилдан “Янги Фарғона” газетаси масъул муҳаррири, 1926-1927 йилларда “Зарафшон” ва “Камбагал деҳқон” газеталари муҳаррири вазифаларини бажаради.

1930 йил 2 февралда ҳибсага олинган. 1931 йил 25 апрелда ОГПУ томонидан уч йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. 1933 йил 10 мартда ОГПУ коллегияси томонидан уч йиллик сургунга жўнатилган. РАбдуллаев 1957 йил 5 сентябрда реабилитация қилинади.

**Ҳамроқул қори Салоҳитдинов** – 1891 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўқитувчилик билан шуғулланган. Жадидлар илгари сурган таълим ислоҳотини қўллаб-қувватлаган.

“Миллий истиқлол” ташкилоти аъзоси сифатида Афғонистонга яширинча ўтиб кетиш масаласи кўрилган мажлисда иштирок этишда, ҳаракатдаги қуроли гуруҳлар билан алоқадорликда айбланиб, 1931 йил 17 январда қамоққа олинади. Шу йилнинг 25 апрелида Ҳамроқул қорини ОГПУ коллегияси РСФСР Жиноят Кодексининг 58-моддаси 4-банди ва 11-моддаси билан 10 йил муддат билан концентрация лагерга жўнатади. 1989 йил 3 апрелда реабилитация қилинган.

**Абдулаҳат Маъруфжонов** – 1892 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. Йирик савдогар бўлган. “Миллий истиқлол” ташкилоти сафига кириб, қатағон қилинган ташкилот аъзолари ва уларнинг оилаларига моддий ёрдам кўрсатиб турган. Жадидлар фаолиятини маблағ томонидан қўллаб-қувватлаб, хайрихоҳлигини билдирган.

1931 йил 17 январда ҳибсага олинди. Юқоридаги қўшимча сифатида у Афғонистонга яширинча ўтиб кетишга уриниш, ташкилот вакиллари учун мафий йўлақларни ташкил этишда айбланиб, РСФСР Жиноят Кодексининг 58-моддаси 4-банди билан 10 йиллик концлагерга ҳукм этилган.

**Абдуқаном Мадалимов** – 1882 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Деҳқончилик билан шуғулланган бўлса ҳам миллий озодлик ҳаракати тарафдори бўлган. Ҳосили ва мол-мулки билан маърифатпарварлар ва ватанпарварларнинг моддий таъминотидаги ҳисса қўшган.

1929 йил 6 ноябрда ҳибсага олинган. Миллий озодлик ҳаракати аъзоларига тунги турғун жой ва озиқ-овқат берганлиги, солиқ тўламаган бойлар гуруҳини яширганлиги, советларга қарши тарғиб олиб борганлиги ва уларнинг сиёсатини масхара қилганлиги айбланган. У РСФСР Жиноят Кодексининг 58-моддаси 10-банди, 59-моддаси 3-банди, шунингдек,

60-моддаси 17- ва 72-бандлари билан 10 йил концлагерга жўнатилган. 1989 йили реабилитация қилинган.

**Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,**  
тарих фанлари доктори,  
профессор  
**Азизбек МАҲКАМОВ,**  
тарих фанлари бўйича  
фалсафа доктори  
**Дилшодбек ҲОМИДОВ,**  
тарих фанлари бўйича  
фалсафа доктори  
(Давоми келгуси сонда.)

## БЕҲБУДИЙНИНГ МАЪНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ

учун шундай ойна керак эдики, унда у ўз қабоҳатини ҳам, малоҳатини ҳам журнал олсин. Мана шу эҳтиж ва зарурат Беҳбудийни театр ва матбуот сари бошлади. “Падаркуш” шу тариқа майдонга келди”.

Матбуотнинг ижтимоий ҳаётдаги муҳим ўрни ва беқиёс таъсирини тўғри англаган Беҳбудий 1913 йилнинг апрелидан “Самарқанд” газетасини чиқара бошлайди. У орқали маърифатпарварлик қарашларини оммага бевосита етказиш имконига эга бўлади. “Бу газета Самарқандда Маҳмудхўжа Беҳбудий томонидан форсий-ўзбек тилларида чиқарилиб, элу халқнинг кўзини очишга боис бўлди”, деб ёзган эди Абдулла Авлоний ушбу газета ҳақида.

“Самарқанд” ўша давр ўқувчисини ижтимоий аҳборот билан кенг қўламада таъминловчи нашр эди. Унда илм-фан, адабиёт, тижорат, хунармандлик ва деҳқончиликка доир мақолалар, лавҳалар бериб борилди. Газета саҳифаларида Ҳожи Муин, Саид Ризо, Рोजий ва бошқаларнинг муҳим мавзулардаги қатор мақолалари эълон қилинди. Бироқ моддий қийинчиликлар сабаб нашрнинг 45 та сонигина чиққан.

Аммо Беҳбудий таслим бўлмади. 1913 йил 20 августда миллий матбуотимиз тарихида алоҳида ўрин тутган “Ойна” журналининг илк сони босмадан чиқди. Унинг вазифаси “миллати исломнинг саодат ва салохина, мусулмонларнинг маданият ва фунуни замонидадан

нафланмоқларина хизмат этишлик” деб белгиланган эди. Абдулла Авлоний бу журнал ҳақида “журналларнинг энг биринчиси ва энг яхшиси эди” деб баҳо беради.

Журнал саҳифаларида илм-фан, маърифат, маданият, тил-адабиёт масалаларини кенг ёритди, нодонлик, жаҳолат, мустамлакачиликка қарши турди. Журналда Маҳмудхўжа Беҳбудий, Саид Ризо Ализода, Рोजий, Ҳожи Муин Шукрулло, Абдурауф Фитрат, Ҳамза Ниёзий ва бошқалар ўз мақолалари, шеърлари билан фаол иштирок этди.

Биринчи бўлиб “Ойна”да ер қуррасининг тасвири – глобус сурати кўрсатилиб, баён қилиб берилди.

Адиб журналнинг илк сонидagi “Туркистон” мақоласида юртимизнинг кўп асприк бой тарихи ҳақида “Садойи Туркистон” ва “Садойи Фарғона” ёхуд Туроннинг эгизак-тувама фарзандлари”да ўша давр матбуоти муаммолари тилга олинди. “Танқид сараламоқдир” мақоласида эса ижтимоий танқиднинг моҳияти очиб берилган.

Шунингдек, “Ойна”нинг бир неча сонида Беҳбудийнинг “Саёҳат хотиралари” босилади. Адиб Ҳаж сафарлари билан Мака ва Мадина шаҳарларига боришда босиб ўтган йўли, мамлакатлар, шаҳарлар ва одамлар ҳақида ҳикоя қиларкан, бу асарни ўзбек матбуотида йўл очаркиннинг дастлабки кўриниши дея баҳолаш мумкин. Муаллиф кўрган-кечирганларини ёзаркан, ўзга мамлакат ва халқлардаги илм-маърифат, янгиликларни ҳикоя қилиш асносида уларни ўз ватани – Туркистондаги аҳвол билан солиштиради ва нодонлик, қоқоқлик ҳолларидан қайғуради. Адибнинг мазкур туркумга кирувчи “Исмоилбек ҳазратлари ила суҳбат”ида жадидлик ҳаракатининг йўлбошчиси Исмоил Ғаспирли билан учрашув ҳақида ҳикоя қилинади.

Адибнинг “Хушим келмайдир” фельетониди кулгининг енгилроқ тус олганини қўраимиз. Унда ўзига хос шакл танланиб, гўё бир муаллиф ҳаётда учрайдиган айрим иллатлар – баъзи бойларнинг даб-дабали тўйларга, турли машаат-базмларга қанчадан-қанча маблағ сарфлаган ҳолда ёшларнинг илм олишлари учун озгина бўлса-да қўмак беришдан қочинилари ҳақида ёзишга “унчалик ҳуши келмагани” айтади. Фельетон сўнгиди кино билан “Одамларга тош отишга ҳушингиз келадими-ку! Охистароқ отинг, “Ойна”га тепмасун!” қабилида ҳазил қилинади. Бундай мисоллар публицистнинг ҳажвага фоят устумонлигидан далolat бериб турибди.

**Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ,**  
филология фанлари доктори,  
профессор



**XX аср бошларида Туркистонда вужудга келиб, маориф ва матбуот орқали ёйила бошлаган маърифатпарварлик ғоясининг йирик намояндаларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий эди.**

**У маърифат тарғиботи йўлида янги усулдаги мактаблар очди ва дарс тақсимида дунёвий фанлар улушини оширди. Янги усулда ўқитиш учун бир қатор дарсликлар яратди ва чоп эттирди. Шу билан бирга “Рисолаи асбоби савод”, “Рисолаи жуғрофияи умроний”, “Рисолаи жуғрофияи Русий”, “Китобатул-атфол”, “Амалиётини ислом”, “Тарихи ислом” каби илмий асарлар ҳам ёзиб, илгор қарашларини ўқувчиларга тақдим этди.**

Бироқ таниқли олим Беғали Қосимов ёзганидай: “Маърифат учун биргина мактаб кифоя қилинмасди. Замон ва дунё воқеалари билан танишиб бормоқ, миллат ва Ватаннинг аҳволдан, кундалик ҳаётдан оғоҳ бўлмоқ керак эди. Бинобарин, миллат



## САФАРОМА



Дунёнинг янги етти мўъжизасидан бири – Тожмаҳал ҳақида кўп ўқигандим ва эшитгандим. Бобурий ҳумдор Акбаршоҳнинг набираси Шоҳ Жаҳон томонидан сеvimли маликаси Мумтоз Маҳалга атаб қурилган кўзларни қамаштирувчи маҳобатли даҳма салкам беш асрдан буйун муҳаббат рамзи бўлиб келяпти. Бўлганда ҳам, беназир, улкан муҳаббат рамзи!

Ҳиндистонда бобурийлар сулоласи томонидан бунёд этилган меъморчилик обидалари кўп – Қизил қалъа, Қизил масжид, Ҳумоюн қалъаси, Акбар қалъаси... Лекин бу ўлкага отланган сайёҳ кўнглида аввало Тожмаҳални кўриш ишқи алангаланади. Саодатли бир айёмда камина ҳам муҳаббат ва афсоналар юртига йўл олдим.

Тожмаҳални кўриш учун узундан-узун, бир неча қатор навбатда турар эканман, ён-атрофимдаги ёшу қарининг кўзида орқизиш ва қувонч учунларини кўраман.

Хорижликлар учун ўрта қатордан алоҳида йўлак ажратилган. Ҳар бир ташриф буюрувчи синчиклаб текширувдан ўтказилар экан. Мен фотоаппаратни олиб қўймасликлардан хурсанд бўлдим. Демак, Тожмаҳални суратга олиш, унинг манзарасида суратга тушиш имкони бор.

Қип-қизил дарвозадан ўтиб, қизил тошлар устида қадам ташлаб борар эканман, кўз ўнгимда қуёш нурида оппоқ товланчи турган оқ мрамор бино – Тожмаҳал пайдо бўлади. Унга узоқ-узоқ тикиламан. Меҳр-муҳаббат билан тикиламан.

Тожмаҳал! Кунига 70–80 минг одам зиёрат қилаётган муҳаббат рамзи! Ана, дунёнинг турли томонларидан шу ишқ рамзи олдидан ахдлашув учун келган юзлаб йигит-қизлар бир Тожмаҳалга боқишади, бир ўзларига, яъни муҳаббат тўла кўзларига боқишади. Улар бир умрга вафолари ёр бў-

лишга ахдлашар экан, қалбидан жой олган ишқ худди Хуррам ва Аржумандбонунинг буюк муҳаббати каби бўлишини оруз қилишади. Ошиқлар орасида атрофдаги одамлардан сира уялмай сеvги изхор қилаётган икки ёшни кузатаман. Аравачада ўтирган икки қария эса, бир умр Тожмаҳал олдидан муҳаббат изхор этишни оруз қилган экан. Улар орузига етишиб, бири ёшлик даврини эслаб, ўйлаб қолган. Иккинчиси эса Тожмаҳални суратга олиш билан банд.

Кимдир ортимда шивирлайди: "Бир жойда ўқигандим, Тожмаҳал қурилиши учун бугунги ҳисобда 100 миллион АҚШ долларлари миқдорида маблағ сарфланган!"

Мен бу буюк мўъжизани пулга қақиш мумкинмикан, деб ўйлайман. Тожмаҳални асраш учун 1983 йилда у ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилганини хотирлайман. 2007 йилда Тожмаҳал дунёнинг янги мўъжизаларидан бири сифатида эътироф этилгани ҳам ёдимга тушади.

Тожмаҳал боғида узоқ сайр эта туриб, буюк ҳинд мутафаккири, дунёга донғи кетган адиб Рабиндранат Тагорнинг "Абадийлик юзидаги кўз ёш" дея Тожмаҳалга берган таърифини такрорлайман.

"Муҳаббат рамзи"ни ўз кўзим билан кўрганимдан сўнг йилгига Ҳиндистонга келаётган бир ярим миллиард сайёҳнинг негиз кўпроқ Аграга боришининг, негиз Тожмаҳални зиёрат этишининг сабабини тушунгандек бўламан. Ҳа, айтгандай, Ҳиндистон давлати сайёҳлар ташрифидан оз эмас – йилгига нақд 2,5 миллиард доллар фойда кўради-я!

Тожмаҳал билан хайрлашиб кетиб борар эканман, ортимда маънос нигоҳни сезаман. Лекин энди абадийлик юзидаги кўз ёшига қайрилиб қарашга куч топа олмайман...

Ўринбой УСМОН  
Ҳиндистон, Агра

## ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

## МЕҲНАТНИНГ НОНИ ТОТЛИ



Саодат ШЕРМАТОВА,  
"Тошшаҳартрансхизмат"  
АЖ 8-автобус саройи электробус ҳайдовчиси:

– Аёл киши бировнинг қўлига қараб ё осмондан чалпақ ёғишни кутиб ўтирмаслиги керак. Соғлиги жойидами, куч-қуввати борми, ҳаракатда бўлсин: институтда ўқисин, ишласин, хунар ўргансин. Хоҳ ақлий, хоҳ жисмоний меҳнат одамни тоблар экан. "Утирган – бўйра" деб беҳиз айтишмаган.

Эллик ёшга кирдим. Шу пайтгача бировдан таъма қилмадим. Афсус, шароит бўлмагани учун олий таълим олиш насиб қилмади. Тақдир экан, ҳаётнинг баланд-паст йўлларида икки болам билан ёлғиз юришимга тўғри келди. Шундаям тушқунликка тушмадим. Тинчлик ва соғлиқ бўлса, одамда нолишга сабаб қолмас экан.

Болаликдан ҳайдовчиликка қизиққанман. Аммо ота-онам "Қиз бола темир-терсаққа ўрлашиб нима қилади?", деб қўймаган. Кейинроқ, барибир, рулга ўтиришимга тўғри келди. Умр оқар сув экан. Мана, йигирма йилдан буйун сеvimли касбим билан бандман. Турли техникаларни бошқардим. Ҳозирда электробус ҳайдовчисиман.

Ҳар саҳар одамларни манзилига етказиш учун ҳисса қўшаётганимни ўйлаб, қувонч билан ишга йўл оламан. Жамоат транспортини бошқаришнинг

масъулияти катта. Аввало, автобуслар осонликча "жиловни" сизга бермайди, чамбаракни буриш учун ҳам куч керак. Қолаверса, кунига юзлаб йўловчи тушиб-чиқади, уларнинг кайфияти, талаб ва истаклари турлича. Барчасини ҳисобга олиб ҳайдаш керак.

Йўлга қараш билан бирга салон тозалиги, ички тартиб ҳам хаёлингизнинг бир четида туради. Инжиқ йўловчи учраб қолса, уни ҳам рози қилиш керак. Чунки у айнан автобус хизматини танлади, тўлов қилди, демак, истеъмолчи сифатида ҳақ-ҳуққларини талаб қилишга ҳаққи бор.

Одамларни кузатишни яхши кўраман. Сўнгги йилларда халқимизнинг кайфияти ижобий томонга ўзгарди. Ўз ишимдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, пойтахтнинг қатор берк кўчалари очилди ва одамларнинг йўли қисқарди, йўллар мунтазам таъмирланяпти ва кенгайтирилляпти, жамоат транспорт хизмати учун қулайликлар жорий этиляпти. Янги русумдаги автобуслар келтирилиб, аҳолига хизмат даражаси оширилмоқда.

Айниқса, электробуслар жоннинг роҳати, мен сизга айтсам. Салони кенг ва қулай, қишда иссиқ, ёзда салқин, арзон ва тўлов қилиш осон, шовқинсиз ҳаракатланади.

Шунинг учун ҳам кўплаб юртдошларимиз шахсий уловини

қолдириб, жамоат транспортда ҳаракатланишни афзал кўрапти. Бу йўлда камтарона ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман.

Меҳнатимга яраша маош ҳам оламан, албатта. Ҳалол ризқ билан фарзандларимни воёга етказдим. Улардан умидим катта.

"Ёлғиз аёл ёки она сифатида махсус дафтарларга киритайлик, моддий ёрдам берайлик", деб келишади масъуллар баъзан. Раҳмат айтиб, қайтариб юбораман. Чунки ишлайман, рўзгорни таъминлашга етадиган даромадим бор. Боқиманда айланаб қолишдан қўрқаман. Меҳнатим билан ўзимга ҳам, бошқаларга ҳам фойда келтирсам, шу менинг бахтим.

Йўлдаги одамман. Бир нуқтада қотиб қолишни истамайман. Юрганим учун соғлигим ҳам, кайфиятим ҳам яхши, тирикчилигим жойида. Барча йўлдаги-ларга сафари беҳатар бўлишини талаб қоламан!

Яна китоб ўқишни яхши кўраман. Асабларим дам олади, баҳри дилим очилади мутолаадан кейин. Болаларимга ҳам ҳар маошимдан китоб соғва қиламан. Айниқса, шеърларни овоз чиқариб айтсам руҳим денгил тортади, ўзимда қандайдир қўшимча куч ҳис қиламан. Бетакрор шоирамиз Ҳалима Худойбердиеванинг куйидаги сатрларини доимо такрорлаб юраман:

*Тўхтама, тўхтасанг  
тамом сен,  
Тўхтаган соатга ўхшама.  
Тўхтасанг ўлксен,  
тамомсен,  
Юрганим учуна яхшиман.*

Зарнигор ИБРОҲИМОВА  
ёзиб олди.



Ушбу QR-кодни сканерланг ва ижтимоий тармоқларда томоша қилинг!

## ТИЛБИЛИМ

## ҚЎШ ТАШЛАГАН ЧЎПОННИ Ё МЕҲМОН?



Агар фаҳми калтароқ меҳмон мезбонникида беш-олти кун қолиб кетса, унга нисбатан **халқ "бу меҳмон фалончининг уйига беш кундан бери қўш ташлаган"** деган гапни қўллайди.

Ҳўш, **қўш ташлади** ибораси нимани англатади-ю, **қўш сўзи** қандай маънога эга?

Биз қўш сўзини икки хил маънода, "жуфт, қўша" ва "қўшиш" маъноларида тушунамиз. Масалан: *Эру хотин қўш Ҳўжиза ёки Қўшгани билан қўша қариссин.*

Лекин бу ерда **қўш сўзи** бошқа мазмунда келади. "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" китобининг 2-томида **қўш сўзига** шундай изоҳ берилган: *"Сафар ёки жанг пайтида вақтинчалик кўниб дам олинадиган жой"*. Демак, бир жойда қўшиннинг қўш ташлаши **қўш сўзи** билан ифодаланган.

Шунингдек, чўпонлар яшайдиган уч оёқли **капа ёки чўпонлар чайласи** ҳам **қўш сўзи**да маъноланган. Бунга чўпонларнинг доим яйлловдан яйлловга, қишловдан ёзловга кўчиб юриши сабаб бўлган. Қайда ўт мул бўлса, чўпонлар ўша ерга қўш ташлаб, сурувларини тўйдириб олгач, яна бошқа адирларга кўчиб кетаверишган.

Эшқобил ШУКУР

## ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

Кеча бир укамиз шундай деб қолди:


– Опа, ҳозир 17-18 ёшида турмушга чиқаётган қизларнинг кўпчилиги ажрашиб кетяпти. Туғруққа тайёрлаш бўлимида ётган ёш жувонлардан аксарининг боши очик. Бу дегани тинч-омон, тўкин-сочин замонда қанчадан-қанча гўдак туғилмасидан отасидан ажралиб қоляпти. Шу қизларга нима экан, балоғатга етган захоти оила қуриб?! Ўқимайсанми институтларга кириб, тил ўрганиб олмайсанми...

Бу гапларни эшитиб, бунинг илдизи қаерга бориб тақалиши ҳақида ўйлаб қолдим. Ёшларга ёқмас ва гап инстаграму тик-токка бориб тақалаяпти.

Тармоқлар бизга шундай авлодни "тарбиялаб" бераптики, ҳали бели оғриб бир сўм топмаган ойимтиллалар маҳрга "Гелик" сўрайдиган бўлди. Сўрасангиз на маҳрнинг, на никоҳнинг қайдасини тушунади кўпи. Тўғри, маҳр сўраш қизнинг ихтиёри, унга лойиқ бўлиш эса мажбурияти.

18–24 ёшдаги ўғилларимиз, укаларимизнинг ҳамёнига бир қараб кўйинг. Унда қимматбаҳо буюмлар олиб беришга етадиган пул борми? Ўқийётганлари майли-ку, ишлаётганлари ҳам шахсий харажати, рўзғорга теккан фойдасидан орттирадими?

Вақти келса йўлқирага ҳам уйдагилардан пул олиб юрган бўйдоқлар геликпараст, романтикаҳўр, алоҳида яшашга иштиёқманд хурлиқларга нима бера олади? Ўзини маликадай тутадиган (чет элдаги баъзи маликаларнинг сиполиги маълум ва машҳур) қизларнинг орузини амалга ошираман деб йигитларнинг силласи қуриб



## "Жонон" бўламан деб...

қолмаяптими? Эгри қадам кўйишига ҳам шу нарсалар сабаб бўлиб қолмаётганига ким кафолат беради?

Айб фақат қизларда эмас, улар осмондан шу дунёқараш билан тушмаган. Уларни тарбиялаган (ёки тарбияламаган) ота-оналар, пул ишлаб қолиш учун тармоқларда ёшларнинг кибру ҳавосини кўпиртиратган блогеру вайнерлару вайсақилар ҳам бунда баробар айбдор.

Йигитлар ҳам қувёқўйлақдеккина оппоқ эмас. Эркақлар орасида жуда яхши гап бор: оёққа туриб олиш. Бунинг китобий қилиб, йигитларни ҳам руҳан, ҳам жисмонан оилага тайёрлаш дейимиз. Бўлажак эрга ҳалол меҳнат, оилага фидойилик, аёлига садоқат билан бирга орият, ғурур, жасоратни ҳам ўргатиш керак. Фақат тўйга пул топиб, уйланишни эмас, оилани сақлаб қолиш, уни мустақил бошқариш кўникмасини ҳам сингдирсин отаси, амаки-тоғалари.

Акс ҳолда нима бўлади? Келинпошшо умрида юзма-юз кўришмаган вайнерларнинг ҳашаматли, бахтли кўринган ҳаётини орузлаб эридан шуни талаб қилади. Бу

талабга эрининг киссасию истаги қандай жавоб қайтаради? Ҳамма бало шунда. Кейин ҳомиладор бўлиб, "Гелик"ка бошқоронги келин уйда нақ учинчи жаҳон уруши оловини ёқиб, музаффар генералдай онасиникига йўл олади ёки йўлланади. Чунки оналаримиз фарзандларининг ҳақди аълолига етган инжиқликларининг бош раҳнамоси ва режиссёри...

Агар шу йигит-қизлар 17-18 ёшда эмас, қўлига диплом олиб оила қурганида, бефойда ҳою-ҳаваслари босилган, ҳаётга совуққон ақл билан қарайдиган, бахтни ҳам, нақдни ҳам қадрига етадиган жуфтликка айланарди.

Ҳа-я, тармоқларда ўзларини бахтиёр эр-хотин қилиб кўрсатаётганлар кунора уйига "участкавой" қақириб туришини, у уйлар, у дабдабалар ялтироқ, кўрғазмали бир декорация эканини англаган бўларди.

Ўша машҳур қўшиқда айтилгандай, жон бўламан деб, ҳаммани куйдираман, деб ўзингиз куйиб қолманг яна, қизларжон.

Мадина МҲМИНОВА  
Фейсбук

## Jadid

## Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
ЎЗУВЧИЛАР УОШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ  
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ  
Қўллаб-қувватлаш  
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ  
ЖАМОАТ ФОНДИ

"ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ"  
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:  
Иқбол Мирзо

Масъул котиб:  
Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:  
Гулчехра Умарова

Саҳифаловчилар:  
Эркин Ёдгоров  
Нигора Тошева

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси  
хузуридаги Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги  
томонидан 195115 рақам  
билан рўйхатга олинган.

Адади – 19 100

Шундан:  
Кирилл ёзувида – 7 447  
Лотин ёзувида – 11 653  
Медиа кузатувчилар – 94 236  
Буюртма: Г – 839  
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.  
Нашр кўрсаткичи – 222.  
Ташкилотлар учун – 223.  
1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,  
Шайхонтоҳур тумани,  
Навий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20  
Девонхона: (97) 745-03-69  
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17  
Jadid\_gazetasi@exat.uz

"Шарқ" наشريёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмаҳонаси.

Босмаҳона манзили:  
Тошкент шаҳри,  
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00  
Босишга топширилди: 20:30  
Сотувда нархи эркин.

